*Эрурсен шоҳ, агар огоҳ сен-сен, Агар огоҳ сен-сен, шоҳ сен-сен*

# Хабар

خبر

*Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри*

1992 йил мартдан чиқа бошлаган • 1993 йил, 11 декабрь № 46 (85) • Сотувда эркин нархда

# БАРҚАРОРЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК МЕЗОНИ

## Жумҳуриятимизда Конституциямизнинг бир йиллиги кенг нишонланди

***Шу йил 6 декабрда Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазири К. Р. Раҳимов маъруза қилди. Нотиқ мустақил Ўзбекистоннинг Асосий қонуни қабул қилинган куннинг бир йиллиги улкан сиёсий ва тарихий сана сифатида нишонланаётганини таъкидлаб ўтди. Бу Ўзбекистон Республикаси давлат сифатида камол топиб, мамлакатимизда демократик принципларга асосланган жамият барпо этилаётганининг ёрқин намунасидир.***

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши боис жумҳуриятимиз мустақил ривожланиш йўлига қадам қўйди. Республикани мустақил демократик давлат сифатидаги қонун-қоидалари ва ривожланиш йўллари "Ўзбекистон Республикасининг мустақил давлати асослари ҳақида"ги қонунида мустаҳкамланди. 1991 йилнинг декабрида СССР инқирозга учраб, унинг ўрнига қатор мустақил давлатлар бунёдга келди. Ўзбекистон ҳам давлат мустақиллигига эришгач, ўзининг янги қирраларини намоён қила бошлади. Халқимизнинг .ижтимоий ҳаётидаги беқиёс ўзгаришларни 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституция ўзида мужассамлаштирди.

Бир йилки республикамизда янги Конституция амалда. У жамиятдаги тотувлик, ҳамжиҳатлик, иноқлик негизи бўлиб қолди. Асосий қонунимиз асосида жамиятимиз иқтисодий ривожланиш йўлига кириб, қатъий режа, марказлаштириш ва буйруқбозлик усулларидан воз кечиб, бозор иқтисодига ўтмоқда.

Мустақил Ўзбекистоннинг янги Конституциясида демократиянинг илғор анъаналари, дунёнинг кўпгина давлатлари тажрибаси инобатга олинган. Асосий қонун лойиҳаси меҳнат жамоаларида, оммавий ахборот воситаларида 2 ойдан кўпроқ вақт мобайнида муҳокамадан ўтди.

Конституциямиз халқчил, негаки уни халқ қабул қилди ва у халқ манфаатига хизмат қилади деб айтишимизга тўла асос бор. Давлат ҳокимиятининг Президент шакли Ўзбекистон Республикаси ўтиш даврининг ҳозирги ривожига тўла жавоб беради. Янги шароитдаги бошқарув йўли қисқа вақт ичида сезиларли бўлмоқда. Ўзбекистонни бутун жаҳон аҳли тан олиб, кенг миқёсда ҳамкорлик олиб борилмоқда.

Халқ сайлаган Олий Мажлис ва Президент Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир фуқаро номидан гапиришга ҳақлидир. Конституциянинг 7-моддасидаги "Ҳокимиятни тортиб олиш мумкин эмаслиги" қонуни бунга мисол бўла олади. Ҳокимиятни ўзиники қилиб олиш, ҳокимият органлари фаолиятини тўхтатиш ёки бекор қилиш, параллель давлат структуралари яратиш каби фаолиятлар қонунга зид бўлиб, қонун бўйича жавобгарликка олиб келади. Сиёсий ва ғоявий плюрализм (очиқ кўп фикрлилик) ҳам Конституциянинг ўзига хос қоидасидир. У жамиятни турли хил сиёсий фикрлар асосида ривожланиш гаровидир. Асосий қонунда мулкчилик шакли, иқтисоднинг ривожи қоидалар асосида янгича ҳал қилинган. Бугун Ўзбекистон иқтисодининг асосини мулкчилик ва унинг ҳар хил шакллари ташкил этади. Мулкчиликнинг ҳамма шакллари тенг ҳимоя қилиниши Конституция қоидаси даражасига олиб чиқилган. Мулк (хусусий мулкни ҳам қўшиб) дахлсизлиги мустаҳкамланган, мулкни давлат муҳофаза қилиши кўзда тутилган. Мулкчиликнинг шакллари, тенглиги ташаббускорликни ривожлантиради, ишбилармонликка олиб келади, текинхўрликни йўқотади.

Маърузачи жумҳурият алоқачиларининг 1993 йили амалга оширган ишларини атрофлича таҳлил қилиб, 1994 йилги вазифаларга кенг тўхталди. 1993 йилнинг 9 ойида Ўзбекистон алоқа корхоналарининг даромади 22 миллиард сўмни ташкил этди. Аҳолига 3,7 миллиард сўмлик хизмат кўрсатилди. Бошқарув усуллари ва хўжалик алоқалари издан чиққан бир шароитда ишлаётган алоқа корхоналари хизмат кўрсатишнинг бир маромда бўлишини таъминламоқдалар. Мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланишяпти. Шуниси қувонарлики, 20 та корхонада фойда олиш 40 фоизни, 25 тасида эса 40 фоизга яқинни ташкил қилади. Вазирлик чет эллик шериклари билан ҳамкорликни ривожлантириш борасида катта ишларни амалга оширмоқда.

Соҳа хизматчиларини ижтимоий ҳимоялаш масалаларини ҳал этиш учун кўп иш қилинмоқда. Бугунги кунда алоқачининг ўртача ойлик иш ҳақи республикадаги мавжуд энг кам маошдан 2,9 марта юқоридир. Йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида 1,5 миллиард сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди, 14,8 минг рақамга мўлжалланган янги АТС ишга туширилди. 9 километрли кабель йўли ўтказилди. "Ўзбектелеком", "Ўзбекистон почтаси" ва "Ўзбекалоқаинвест" концернлари фаолияти кун сайин жонланмоқда.

Аммо аҳолига намунали алоқа хизмати кўрсатиш борасида ҳали ечимини кутаётган муаммолар кўпдир. Бугунги асосий вазифа шундан иборатки, барча алоқа корхоналарига ишлаб чиқариш вазифаларини бекаму-кўст бажариши учун қулай шарт-шароитлар яратиб бериш керак. Алоқачилар мунтазам равишда хизмат кўрсатиш маданиятини ошириб боришлари зарур. Ўз вақтида бажариладиган истиқболли ишлар режасини тузиб, уларни ҳаётга тадбиқ этиш учун бор куч ва имкониятлар сафарбар этилмоғи лозим.

***

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг бир йиллигига бағишланган тантанали йиғилишлар барча алоқа корхоналарида ўтказилди. Жойларда шу мавзуда жонли мулоқотлар уюштирилиб, меҳнат фахрийлари билан учрашувлар бўлиб ўтди. Меҳнат илғорлари қимматбаҳо совғалар, пул мукофотлари ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.



Табассум...

Суратқаш С. Маҳкамов

# ОЛАМДА НИМА ГАП?

**ЯНГИЛИКЛАР * ХАБАРЛАР * ВОҚЕАЛАР**

● Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Президенти И.Каримов нутқ сўзлади.

● **Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир йиллиги муносабати билан қаламкашлар ўртасида ўтказилган танловни якунлади. Бу мавзуни фаол ёритишда иштирок этган ижодкорлар пул мукофотлари билан тақдирланди.**

● Тожикистон матбуот ва ахборот вазирлиги ҳозирги вақтда фаолияти ман этилган мухолифчи партия ва ҳаракатларнинг газеталари рўйхатдан ўтганлиги хусусидаги гувоҳномаларни бекор қилди.

● **Москвада 1 декабрдан бошлаб аҳоли телефондан фойдаланганн учун ойига 1300 рубль тўлайдиган бўлди.**

● "Радио-фран-интернасиональ" агентлигининг мухбири Петербург шаҳри маъмури А.Собчакдан олган суҳбатида Владимир Ильич Ленин вафот этганининг 70 йиллиги куни — 1994 йил 21 январда унинг Москвадаги мавзолейида сақлаб келинган жасади Петербургдаги мозорлардан бирида ўз онаси қабри ёнида дафн этилади.

● **Ҳозирги пайтда фазода 1,5 мингта ер йўлдоши учиб юрган экан. Мутахассисларнинг ҳисоблаб чиқишларига кўра, 2000 йилга бориб ер атрофида вазни 12 миллион килограмм бўлган ана шундай йўлдошлар бўлади. Бу эса келгуси асрларда янги йўлдошларни фазога учириш имконини бермай қўяди.**

● АҚШ Россия билан космик станциялар яратиш борасида ҳамкорлик қилмоқчи.

# "ХАБАР" МУШТАРИЙЛАРИГА!

**Ўтиш даврининг вақтинчалик иқтисодий қийинчиликлари туфайли жумҳуриятимиздаги кўпгина нашрлар, жумладан "Хабар" газетаси ҳам чоп этилмай қолди. Асосий муаммо — қоғоз танқислиги ҳамда газетани чоп этиш билан боғлиқ харажатларнинг кескин ошиб кетганидир.**

**Айни шу оғир кунларда газетамиз ўз қадру-қимматини ҳам синовдан ўтказмоқда. Жумҳуриятимизнинг турли бурчакларидан кўплаб муштарийлар, алоқа хизмати заҳматкашлари таҳририятга мурожаат қилишиб, газета нега чиқмай қолди, уни яна қачон ўқий бошлаймиз дея ҳақли равишда ташвишланмоқдалар.**

**"Хабар"га 1994 йил учун обуна биз кутгандан ҳам аъло даражада (бошқа нашрларга қиёслаганда юксак кўрсаткич) якунланмоқда.**

**Шубҳа йўқки, соҳа ҳаётини ёритувчи ягона нашр бўлмиш "Хабар" қисқа фурсатда алоқачилар, кўпсонли муштарийлар кўнгилига йўл топа олди. Бу ўз-ўздан бўлгани йўқ, албатта. Биз ҳар дақиқа вазирликнинг яқиндан ёрдами ва хайрихоҳлигини сезиб турдик. Шунга қарамай, ноябрь ойида газетамизнинг тўртта сони ёруғлик юзини кўрмади. Газетанинг бир ой танаффусдан кейин чоп этилаётган ушбу сонидан бошлаб йил охиригача фақат чакана савдога чиқарилади. Дарвоқе, кейинги сонларнинг ўз вақтида ўқувчиларга тегиши ҳам хавф остида турибди.**

**Сизга яхши маълумки, "Хабар"нинг ўтган йилги обуна баҳоси жуда паст бўлиб, у ҳатто газетани чоп этиш ва уни тарқатиш харажатларини ҳам қоплай олмади. Айрим таҳририятлар каби биз жорий йилнинг иккинчи ярми учун қўшимча обуна эълон қилмадик. Йил охиригача газетани ўтган йилги обуна ҳисобидан тарқатиш мақсадимиз эди. Афсуски, таҳририятда юзага келган мураккаб иқтисодий шароит бунга йўл қўймади.**

**Газета муассиси бўлган Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги "Хабар"ни молиявий қўллаб-қувватлаш йўлларини изламоқда.**

**Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ дейдилар. Иншооллоҳ, хайрли режалар амалга ошиб, муштарийлар билан яна юз кўришамиз деган умиддамиз.**

# ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН МУАММОЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги ҳайъатининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Алоқа вазири К. Р. Раҳимов олиб борди. Мажлисда тармоқни ривожлантиришга хизмат қиладиган долзарб масалалар муҳокама этилди.**

Вазир ўринбосари В. А. Кравченконинг маърузаси асосида алоқа биноларини қуришнинг бугунги аҳволи ва уни яхшилаш масалалари кўриб чиқилди. Капитал қурилишда юзага келган вазият асосан Россия ва МДҲга аъзо бўлган республикалардан зарур материалларнинг келмаётгани билан боғлиқдир. Моддий маблағлар ҳам етишмаётир. Қурилиш учун материалларнинг баҳоси жаҳон талабларига жавоб бергани билан аҳолига кўрсатилаётган хизмат ҳақи ундан анча орқада қолмоқда. Бу эса киримлар ва чиқимлар ўртасидаги фарқни кескин ошираяпти. Шу боис алоқа корхоналари капитал қурилишни кенг кўламда олиб бориш учун етарли маблағга эга эмас. Бу борада зарур норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, биноларни калити билан топширишга ҳаракат қилинаётган бўлишига қарамай, умуман капитал қурилишда аҳвол қониқарли эмас. "Ўзбекалоқаинвест" концернининг юзага келган вазиятни ўнглаш борасидаги ҳаракати етарли бўлмаяпти.

1994 йилнинг январидан бошлаб жумҳуриятда барпо этилаётган барча алоқа бинолари калити билан топширилади. Бунинг учун электр алоқаси корхонаси ва вилоятлардаги барча механизациялашган кўчма колонналар ўртасидаги муносабатларни янгилаш даркор. Бундан буён бинони лойиҳалаш, уни маблағ билан таъминлаш ва барча қурилиш ишларини олиб боришни бунёдкорлар ўз зиммасига олишади. Улар тайёр объектларни корхоналарга сотишлари ёки 6-9 ой мобайнида биргаликда ундан фойдаланишлари мумкин. Шу боис корхоналарда капитал қурилиш бўлимлари, лойиҳалаш гуруҳлари тугатилиб, моддий-техникавий таъминот соҳасидаги юмушлар қисқармоқда. Бу ишларнинг барчаси иш бажарувчи ихтиёрига ўтади.

Мазкур масала муҳокамасида Х. С. Нурматов, И. Р. Чакидзе, А. Т. Тогайалиев, Т. М. Бекметов қатнашди. Алоқа вазири К. Р. Раҳимов кўрилган масалани якунлар экан, бундан буён капитал қурилиш учун буюртмачи билан шартнома асосида ишлайдиган механизациялашган кўчма колонна жавобгар бўлишини таъкидлади. Бу муаммони ҳал этиш борасида белгиланаётган тадбирлар алоқа бинолари қурилишини тубдан ўзгартиришига шак-шубҳа йўқ.

Ҳайъат электр алоқа корхоналари томонидан аҳолига хизмат кўрсатилгани учун ҳақ тўлашдаги қарзлар масаласини ҳам кўриб чиқди. В. А. Кравченко бу қарзлар 2,5 миллиард сўмни ташкил қилишини маълум этди. Айрим корхоналарда қарзлар ойлик киримлар миқдоридан ҳам ортиқчадир. Бундай молиявий ҳолат корхоналар ишини издан чиқармоқда. Ҳайъат аъзоларини Самарқанд вилоят электр алоқаси корхонасида қўлланилаётган тажриба қизиқтириб қолди. Бу ҳақда корхона бошлиғи Т. И. Ғайбуллаев ҳикоя қилиб берди. Декабрь ойи бошида жами қарзларни ундириб олиш кўзда тутилган. Мажлисда алоқа хизмати учун олдиндан ҳақ тўлаш мақсадида мижозлар ҳисоби очиш таклиф этилди.

"Ўзбектелеком" концернининг моддий-техникавий таъминоти хусусида В. А. Кравченко ахборот берди. Ҳайъат аъзолари бу масалада таъминот корхоналари раҳбарлари А. Ш. Ҳамидов ва Ж. Айтмуродов ҳамда Вазирликнинг бўлим бошлиқлари Д. Ш. Обидхўжаев ва А. А. Муҳаммадиевларга кескин танқидий фикрлар билдиришди. Уларнинг ўз вақтда ташаббус кўрсатмагани ва собитқадамлик қилмагани боис алоқа корхоналари махсус белгиланган 43 номдаги маҳсулотнинг атиги учдан бири билан таъминланган, холос. Ҳайъат моддий-техникавий таъминотдаги аҳвол қониқарсиз эканлигини таъкидлаш билан бирга Алоқа вазири буйруғи билан раҳбарлар масъулиятини ошириш ва вазиятни ўнглаш учун 15 декабргача муҳлат бериш кераклигини уқтирди.

Алоқа вазири ўринбосарии Р. Ғ. Валиевнинг алоқа техникаси ишлаб чиқариш масаласига доир маърузасидан сўнг қизғин муҳокама бўлди. Барча ҳайъат аъзолари, кўпчилик корхона раҳбарлари сўзга чиқишди. Улар бошқа жумҳуриятлар, биринчи навбатда Россияда зарур материаллар ва асбоб-ускуналар келмай қолгач, Ўзбекистондаги корхоналарни алоқа техникаси ишлаб чиқаришга мослаш зарурлиги хусусида гапиришди. Бу борада хатти-ҳаракат борлиги таъкидланди. Яна бир неча номдаги маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш лозим. Саноатчилар алоқа учун зарур бўлган асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш борасида Алоқа вазирлиги фаол иштирок этишини исташмоқда. Ҳайъатда бу борадаги фикрлар иккига бўлинди. Т. Ғ. Раҳимов, В. А. Кравченко, В. И. Вайнер, В. С. Емельяненко алоқа корхоналари пулини муассасаларга бериш тарафдорлари бўлишмаса, А. Н. Кудинов, Т. Д. Ражабов аксинча, алоқа маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун маблағ ажратиш таклифини қўллаб-қувватлашди. Ҳайъат асосан иккинчи фикр билан келишди.

МДҲ мамлакатларига юборилаётган пуллар ўтмаётгани хусусидаги масала муҳокамаси "Ўзбекистон почтаси" концерни масъул ходимларини жазолаш таклифи билан якунланди. Мазкур масалада аҳолидан кўплаб шикоят тушган бўлишига қарамай, концерн раиси ўринбосари Ю. Р. Мухчи бу муаммони ҳал этиш учун ҳеч қандай чора кўрмаган. Уни интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида таклиф айтилди.

Тошкент-Андижон йўналиши телевизион кўрсатувидаги узилиш ҳодисаси ҳайъатда кескин танқид қилинди. Мазкур фавқулодда ҳолат тўла ўрганиб чиқилгунга қадар вазир республика радио алоқа, радиоэшиттириш ва телевидение ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи К. Р. Усмоновни вақтинча вазифасидан озод этиш юзасидан қарор қабул қилди. Бу борада вазирнинг биринчи ўринбосари Т. Ғ. Раҳимов тегишли назорат қилмагани кўрсатиб ўтилди.

Алоқачиларни мукофатлаш хайрли иш. Ҳайъат мазкур масала бўйича айрим раҳбарларнинг нотўғри хатти-ҳаракатини муҳокама этди. Алоқа ходимларини тақдирлаш учун зарур ҳужжатларни ўз вақтида тайёрламагани учун Вазирликнинг бўлим бошлиғи Ш. З. Юнусов қаттиқ огоҳлантирилди.

Кўрилган масалалар юзасидан ҳайъат қабул қилган қарорлар жумҳурият алоқа корхоналари фаолиятини тубдан яхшилашга хизмат қилади.

# СЕРЮМУШ ПОЧТАЧИ

Даврлар ва одамлар ўзгаради, лекин Корней Чуковскийнинг болаларга бағишланган почтачилар ҳақидаги мисралари сира ёдимиздан кўтарилмайди.

Кўк пўрмали фуражкали,
Кўкрак нишони беш рақамли,
Қалин боғичли, халтали,
Ким ул эшигим қоққан?
У-чи, у-чи, — ленинградлик почтачи.

Албатта, одамлар ўзгарди, почтачиларнинг бир кўринишли кийими ҳам ўзга тус олди, лекин муҳими уларнинг ўз хизматига, одамларга, касбига бўлган муҳаббати ўзгармади.

Раҳматилла Жумановнинг Оҳангарон туманидаги Бирлик қишлоқ шўроси, Савзилот қишлоғи аҳлига почтачилик қилаётганига қарийб 34 йил бўлди. У ҳар бир хонадоннинг интизор кутган меҳмони. Уни ҳамма — ёшу қари чин дилдан ҳурмат қилади. Шунча йил давомида у ўз касби орқасидан таъна-ю маломат эшитганини эслай олмайди.

Почтачининг иши ғоят қийин ва масъулиятли. Шусиз ҳам ҳар лаҳза ғанимат бўлган фурсатда тоғли жойларга хат-хабарларни етказиб бериш мушкул вазифа ҳисобланади. Айниқса қаҳратон совуқда алоқа бўлимидан 3 километрлик белгиланган манзилга боришнинг ўзи бўладими? Газета ва журналларни эса якшанбадан ташқари бошқа ҳар куни ўз эгаларига тарқатиш зарур. Баъзи пайтларда Раҳматилла ака (ҳамма уни шундай деб чақиради) хонадонлардан жўнатма, чақирув қоғози қабул қилиб олади, коммунал хизматларга ҳақ, газета ва журналларга эса обуна учун пул қабул қилади. У шунақа серюмуш инсон.

Ҳалол ва кўп йиллик хизмати учун Р. Жуманов "20 йиллик бенуқсон хизмат кўрсатган почтачи" нишони билан тақдирланган.

Офарин, меҳнат фахрийси!

**С. МАГДЕЕВ,**
**"Ўзбекистон почтаси" почта алоқаси ва матбуот тарқатиш давлат корхонаси бошлиғи муовини**

# АҲИЛ ЖАМОА

Пойтахтимиздаги Яланғоч даҳаси аҳолисига "Тошкент почтаси" давлат корхонасининг 164-алоқа бўлими ходимлари хизмат кўрсатишади. Олдинлари бу бўлим устидан кўплаб норозилик мактублари тушарди. Антонина Константиновна Ким бошлиқ этиб тайинлангач, бу ердаги мавжуд камчиликларга чек қўйилди. У дастлаб ишни оддий юмушлардан бошлади: қўл остидаги ходимларнинг меҳнатга лаёқатини ўрганди, уларни доимий назорат остига олди. Унинг учун қайси манзилгоҳдан шикоят тушишининг аҳамияти йўқ эди, дарров мазкур жойда бўлиб, муаммоларнинг юзага келиш сабабини изларди. Дастлаб мазкур участкани обдон кўздан кечирарди, хонадон соҳиблари билан суҳбатлашарди, уларнинг танқид ва илтимосларини тингларди, ҳеч қандай шикоят ёки огоҳлантириш эътиборсиз қолмасди. 164-алоқа бўлими жамоаси хизматидан аҳоли мамнун эди. Ишнинг бир текисда олиб борилиши, алоқа хизмати ҳақидаги ахборотларнинг яхши жойлаштирилиши, тозалик ва қатъий тартиб-интизом кичик алоқа бўлими жамоасини ойдан-ойга ўз даромадларини юқори кўтаришга ундади. Оқибатда 11 ойга мўлжалланган режа 102 фоизга уддаланди. Операторларнинг аҳолига беминнат хизмати, шунингдек, почтачиларнинг октябрь-ноябрь ойларида жойлардан расмийлаштирган обуналари деярли 2 миллион сўмни ташкил этди.

Жамоадаги ўзаро аҳиллик бўлим ходимларини узоқ вақт сидқидилдан меҳнат қилишга ундаб келади. Баъзи почтачиларни бунга мисол қилиб келтириш мумкин: Галина Николаевна Шишнёва салкам 20 йилдан буён, Екатерина Рустамовна Абдубековага эса 14 йилдан буён почтачилик қилиб келишади. Улар ўзлари хизмат қилаётган манзилгоҳлар қаерда жойлашганини жуда яхши билишади. Почтачи Татьяна Нурматовна Бобоева эса операторлик ишларини ҳам бажара олади. 164-алоқа бўлими жамоасининг бундан кейинги ишларига омад тилаймиз.

**С. ҲОТАМОВ,**
**"Тошкент почтаси" давлат почта корхонаси бошлиғи**

# ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

Баъзи ихтирочилар ўзлари яратган янгиликнинг истиқболини кўра олмаганлар. Телефонни ихтиро қилган Эдисон вақти келиб Атлантика океани орқали телефонда гаплашиш мумкинлигини қатъиян рад этган.

Радио тўлқинларини кашф этган физик Герц бу янгиликнинг алоқа техникасида қўлланилишига мутлақо ишонмаган.

— Қўйинглар, бошимни қотирманглар! — дер экан у. — Бу тўлқинларни мен кашф этганман, уларни сизлардан яхшироқ биламан!

Ниҳоят, А. С. Попов Герц билан баҳслашиб ўтирмай, биринчи радиостанцияни қурди ва шу билан мунозарага чек қўйди.

**А. АЛИЕВ тайёрлаган**




Замонавий алоқа воситалари.

Суратқаш А. ТЎРАЕВ.

# ҚАТЪИЙ ЧОРАЛАР МАСЪУЛИЯТИ

***Тез-тез алоқа хизматида тарифлар ошгани билан хизмат кўрсатиш маданияти эскича қолмоқда деган фикрларни эшитиш мумкин. Ҳатто айрим алоқа корхоналарида сифат кўрсаткичлари пасайтириб юборилди.У АТСдан бу АТСга сим қоқиш мушкул бўлиб қолди. Шаҳарлараро телефон сўзлашувида эшитиш кўнгилдагидек эмас. Радио ва телекўрсатувлар тез-тез узилиб турмоқда. Хат ва матбуот нашрларини ўз муддатида тарқатмаслик ҳоллари кузатилмоқда. Тўла мустақил бўлиб олган корхоналар энди бу муаммолар билан ўзлари шуғулланиши лозим. Афсуски бу масалада ҳаммаси жойида эмас.***

Мана икки йилдирки, алоқа тизимида давлат назорат инспекцияси фаолият кўрсатмоқда. Унинг зиммасига сифатли алоқа хизмати кўрсатишни назорат қилиб бориш вазифаси топширилган. Вилоятларда инспекциянинг бўлимлари тузилган. Аммо уларнинг ишидан етарли даражада самара йўқ. Кўрилган маъмурий чоралар фойда қилмаяпти. Сифатсиз хизмат кўрсатилгани учун кўрилган фойдадан чегириб қолиш анча қийин юмуш. Бу борада хатти-ҳаракат йўналиши ишлаб чиқилмаган боис Вазирлик сифатсиз иш бажарувчиларга моддий жиҳатдан жазолаш усулини қўллашни лозим топди.

Жарима миқдорини кескин ошириш масаласи муҳокама қилиниб, таклифлар қабул қилинди. Шундай қилиб, электр алоқаси бўйича хизмат кўрсатиш чоғи белгиланган нормативлар бажарилмаса жарима миқдори 12 баробар оширилади, почта алоқаси бўйича 10 баробар, радио ва телевидение бўйича 15 баробар жарима тўлаш жорий этилди. Мазкур тартиб амалда қўллана бошлангач, алоқа корхоналари ишлаб топган фойданинг бир қисмини Вазирлик ҳисобига ўтказишга мажбурдирлар. Тайёр маблағни шундай бериб юбориш албатта ачинарлидир.

Хўш, бошқача йўл борми? Аммо ёмон ишлаб бўлмайди. Кимки хўжакўрсинга ҳаракат қилса, ўзидан кўрсин. Жорий этилган жарима сўзсиз меҳнат жамоаларида интизомни мустаҳкамлаб, алоқа ходимларининг масъулиятини оширган ҳолда сифатли иш бажаришга даъват этиши турган гап. Бундан ҳам алоқачилар, ҳам мижозлар мамнун бўлиши аниқ.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирининг буйруғи асосида сифатсиз хизмат кўрсатгани учун жорий этилаётган жарималар 1994 йил 1 январдан бошлаб амалда қўлланилади. Алоқа корхоналари учун янги жарималар жорий этилганга қадар ўз ишларини ўнглаб олишга имкон берилади.

Хўш, қўлланиладиган жарималар миқдори қанча? Уларнинг айримларини келтирамиз:

Почта алоқаси бўйича: пул жўнатиш борасида хатога йўл қўйгани учун алоқа корхонаси ҳар бир ҳолатда 12 минг сўм жарима тўлайди. Агар жўнатилган пул йўқолса ёки ўзлаштирилса 60 минг сўм, ўтказилаётган пул ва нафақа етишмаса ёки ўзлаштирлса 80 минг сўм, махсус алоқа соҳасида 150 минг сўм жарима тўланади.

Телеграф алоқаси бўйича: агар шошилинчномани узатишдаги назорат муҳлати бузилишига йўл қўйилса 35 сўм, ўз вақтида эгасига етказиб берилмаса 70 сўм, шошилинчномани қайта ишлашда хатога йўл қўйилса алоқа корхонаси 500 сўм жарима тўлайди.

Шаҳарлараро сўзлашув алоқасида ҳар бир бажарилмаган буюртма корхонага 1400 сўмга тушади. Агар транзит сўзлашув бир соат ичида бажарилмаса ҳам шунча жарима тўланади. Режали сўзлаш амалга оширилмаётган пайтда телефон каналлари бекор туриб қолса, ҳар соат учун 750 сўм жарима солинади. 100 километрли телевизион йўналишларда хатога йўл қўйилганда ҳар бир дақиқа учун 4000 сўм жарима тўланади.

Шаҳар телефон тармоғи корхонаси белгиланган муҳлатда носозликни тўғриламаса ҳар бир соат учун 25 сўм жарима тўлайди. Қишлоқ жойларида бу рақам 35 сўмни ташкил этади. Ҳар бир ишламаётган телефон автомат корхона хазинасидан 2000 сўмни ўмаради.

Радио тугунлар, подстанция, радио тармоқлар ҳар бир радио нуқтанинг бир дақиқа жим туриб қолишига 5 сўмдан, ҳар бир радио нуқтадаги носозлик ўз вақтида тугатилмагани учун 750 сўмдан жарима тўлайди.

Радиоэшиттириш ва телевидение корхоналари энг катта миқдорда жарима тўлашади. Телекўрсатувдаги ҳар бир дақиқа танаффус 40 минг сўмга, нормадан ортиқча танаффусларнинг ҳар бир дақиқаси учун 80 минг сўм миқдорда жарима тўлайди. Корхоналар фақат телекўрсатувлар тўхтаб қолганда эмас, балки техник белгилардан четга чиқилганда ҳам жарима тўлашади.

Радиоэшиттиришдаги бир дақиқа узилиб қолиш корхонага 1300 сўмга, белгиланган муҳлатдан ортиб кетса 2000 сўмга тушади. Жарималар радио алоқасининг сифатсизлиги учун ҳам жорий этилади. Радио алоқадаги ҳар бир дақиқа танаффус учун 750 сўм, сифат белгисидан четга чиққанлиги учун 500 сўм жарима тўланади.

Кўпгина корхоналар учун мижозлардан шикоят тушиши оддий ҳолга айланган. Бу масалада ҳам тартиб ўрнатилади. Корхона айби билан юзага келган ҳар бир шикоят учун 8 минг сўм ундирилади.

Жорий этиладиган тадбирлар бугунги бозор шароитининг талаби асосида бўлмоқда. Улар бевосита ҳар бир алоқа ходимига, меҳнат жамоасига бориб тақалади. Шуни унутмаслик керакки, жорий қилинадиган жарималар корхоналарнинг бажариладиган ишга масъулиятини ошириб, хизматда тартиб ва интизом бўлишини таъминлайди. Шунингдек, бу чоралар мижозлар хоҳишини ҳимоя қилади. Зеро, ҳар бир корхона ўзига ўзи хўжайин бўлган шароитда шундай йўл тутиш муҳимдир.

Шундай экан, алоқа корхоналари олдида ягона йўл (агар кимки топган пулни йўқотмай деса) яхшироқ ишлаши керак бўлади.




**Статистика маълумотларига кўра ўтган йилнинг сўнгида дунёда 520 миллион телефон абонентлари мавжуд эди. Бу сон ҳозирги пайтда кунига 25 миллион донага кўпаймоқда. Бу борада Швеция биринчи ўринда туради: ҳар 100 киши 68 номерга эга. Кейинги ўринда Америка Қўшма Штатлари — 54 номер. Автомат-телефон борасида Сингапур етакчилик қилмоқда. Бу ерда битта автомат 100 кишига хизмат кўрсатади.**

***

Грузияда шу йил 1 ноябрдан бошлаб шаҳарлараро телефонда сўзлашув хизмат ҳақи 11 боробор оширилди. Ҳозирги пайтда Москвага сим қоқишнинг ҳар бир минути етти минг грузин купонига (300 сўм атрофида) тушмоқда.

***

**Ўтган ҳафта Санкт-Петербургда телефон тарифлари яна оширилди. Уй телефони учун ҳар ойига 1200 сўм тўлаш керак. Агар у қўшилган бўлса 800 сўм кифоя. Бир неча хонадон учун умумий бўлган телефон хизмати 1000 сўм туради.**

**Телефончилар бу борадаги хатти-ҳаракатни пулнинг қадрсизланиши боис жамоага ғамхўрлик деб баҳолашмоқда. Шундай бўлиши мумкиндир. Аммо шаҳар телефон тармоғини давлат тасарруфидан чиқариб, ҳиссадорлик жамиятига айлантирилганига қандай қараш керак!**

***

Маълумки, бундан 100 йил муқаддам 80 ёшли машҳур ёзувчи Лев Толстой пиёда юриб 6 кунда Москвадан Тулага етганди. 1993 йил сентябрда буюк адиб эришган натижа эскирди. А. В. Крюковнинг Москвадан юборган хати "бор-йўғи" 5 кун деганда Тулага етиб келган.

***

**Москвада сим қоқишнинг ўзи бир муаммо. Унинг устига уйга телефон ўрнатиш амри маҳол. Аммо тез орада бу муаммо ҳал этилса ажаб эмас. Шаҳар телефон станциясидан хабар беришларича хорижий фирмалар ёрдамида кўпгина корхоналар телефонлаштирилган. Тез орада Митино туманидаги турар-жойларга ҳам сим тортилади. Москвани телефонлаштиришни ўз зиммасига олган фирманинг штаб-квартираси Венада жойлашган. Унга французлар, итальянлар, немислар, чехлар, поляклар ҳисоб беради. Энди фирманинг Москвадаги бўлими ходимлари ҳам ўз фаолиятидан хабар бериб туради.**

## ЯГОНА МАҚСАД ЙЎЛИДА

Янгиқўрғон туманидаги электр алоқаси давлат корхонасининг мустақиллик шароитида ишлаётганига кўп бўлгани йўқ. Қисқа вақт мобайнида корхона бозор муносабатлари шароитида ўз ўрнини топа билди. Тумандаги мавжуд 5800 дан зиёд радио, 2100 та сўзлашув нуқталари бекаму-кўст ишламоқда.

Корхона жамоаси шу йилнинг учинчи чорагида 266000 сўмлик иш бажардилар. Алоқа корхонаси базасида шаҳарлараро сўзлашиш станциясининг ишга туширилиши мижозлар учун қулайлик туғдирди. Бугунги кунда 1700 та телефон шу тармоққа уланган. Эндиликда бувайдаликлар уйларидан туриб дунёнинг турли мамлакатларидаги биродарлари билан бемалол сўзлаша оладилар.

— Алоқа ходимларининг иш фаолиятида турли тасодифлар учраб туради, — дейди корхона бошлиғи Аҳмаджон Камолов. — Шароитга қараб иш кўриш лозим бўлади. Баҳор ойининг ўрталарида бўлган кучли шамол алоқа линияларини анча шикастлантирди. Тезкор гуруҳ ходимлари тезда камчиликни тузатиб, алоқани тиклашди. Монтёр бригадирлардан Орифжон Жумаев, Олимжон Отажонов, Шавкат Ҳамидов, Қурбонали Пўлатов, Абдуманнон Мадраҳимовлар бу ишларда жонбозлик кўрсатишди.

Баъзи камчиликлардан ҳам холи эмасмиз. Йил бошида корхона ва ташкилотлар билан ўзаро шартнома тузгандик. Аммо шартномага амал қилинмаяпти. Хизмат ҳақи учун тўлов қоғози бормагунга қадар пул ўтказилмаётир. Баъзи мижозлар телефон ишламаётганлиги ҳақида вақтида хабар қилишмайди. Пул тўлашга келганда турли хил баҳоналарни рўкач қилишади. Агар вақтида хабар беришса биринчидан, телефон тезда созланади, иккинчидан айрим сабабларга кўра бир-икки кун ишламай қолган телефонга пул олинмайди. Бундан ташқари, бошқа касб эгалари алоқачиларнинг масъулиятли меҳнатларини қадрласалар яхши бўларди. Бизда баъзи бир ҳайдовчи, тракторчиларнинг алоқа симларини узиб кетиш ҳоллари учраб туради.

Корхонада ходимларни бозор шароити даврида ижтимоий ҳимоялашга ҳам катта эътибор берилмоқда. Бу аҳил жамоада ўзаро ҳурмат, мустаҳкам меҳнат интизоми ғоятда устивор. Йиллик режаларни ортиғи билан бажариб, аҳолига намунали хизмат кўрсатиш уларнинг ягона мақсадига айланган.

**Абдулҳафиз ОРТИҚОВ**

*• Мулоҳаза*

## АЛОҚАЧИЛАР НОМИ АБАДИЙЛАШТИРИЛСА...

Тоғда ўсиб улғайганлигим сабаблими, ҳар гал чўпонларни кузатар эканман, бамисоли шаҳар ва қишлоқлардаги почтачилар ҳам худди шу чўпонлардек туюлади, назаримда. Улар ҳам ҳар қандай шароитда елкасига оғир сумкани осиб, кўчама-кўча хонадонма-хонадон юришиб, аҳолини олам янгиликларидан бохабар этишади. Айримлар почтачилик жуда осон касб, уларга мазза деб ўйлашади. Аммо бу иш ҳам улар ўйлагандек енгил эмас, албатта. Умуман почта ва давлат электр тармоқларига ишлайдиган алоқачиларнинг иши қийин эканлигини айтиб қўймоқчимиз.

Эндиликда, алоқачилар ўртасида ҳам бир жиддий муаммо ечимини кутиб турибди. Бу марҳум алоқачиларнинг хотирасини абадийлаштиришдир. Аччиқ ҳақиқат бўлса ҳам айтиш керакки, шаҳар ва қишлоқларда фаолият кўрсатаётган атамалар ва жойларни номлаш қўмитаси алоқачиларнинг номларини абадийлаштиришни ўйлаб кўришмаяпти. Шу пайтгача ҳали бирорта жойга эл олқишига сазовор бўлган алоқачиларнинг номи берилганини эшитганим йўқ.

Ҳозирги пайтда жумҳуриятимиздаги барча алоқа бўлимлари рақам, жой, тоғ номлари билан атаб келинади. Ёки бўлмаса Тошкент электротехника алоқаси олий билимгоҳи, Алоқа коллежи, Тошкент почтамти каби номлар билан аталади. Ана шуларга халқ орасида иззат-ҳурматга сазовор бўлган, халқ ва давлат манфаати йўлида умрини бахшида этган алоқачиларнинг номлари берилса яхши бўларди.

Энг муҳими ўз ишига фидойи алоқачиларни унутишга ҳаққимиз йўқ. Шундай экан, жумҳурият, вилоят, туманлардаги мутасадди раҳбарлар алоқачиларнинг хотирасини ҳам абадийлаштиришга жиддий киришадилар деб умид қиламиз.

**Баҳодир ТОШБОЕВ,**
**Қашқадарё вилояти Деҳқонобод тумани**



**Мария Фёдоровна Аверикова узоқ йиллардан бери Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмасида хизмат қилиб келмоқда. Иш фаолиятини АТС электромонтёрлигидан бошлаган. Кейинчалик эса АТС муҳандиси, телефон тугунида станция хизмати бошлиғи, ремонт-қурилиш бошқармасида станция жиҳозларини таъмирлаш ва созлаш участкасининг бошлиғи, бир неча йиллардан буён эса шаҳар телефон тармоғи маълумот-ахборот цехининг (09; 009 хизмати) бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда. Меҳнатсеварлиги, талабчанлиги, ёшларга ғамхўрлиги билан ҳамкасблари орасида обрў-эътибор қозонган.**

**Суратда: М. АВЕРИКОВА.**

**Т. ЛУТФУЛЛАЕВ фотоси**

# МЕҲНАТ КЎТАРИНКИЛИГИ ҲУКМРОН



Тошкент шаҳарлараро телефон станциясида ўз ишининг усталари меҳнат қилишади. Улар мижозлардан тушган буюртмаларни зудлик билан бажаришиб, сим орқали у ёки бу шаҳар билан алоқа боғланишига бор билим ва кучларини сарфлашга шак-шубҳа йўқ. Бу ерда меҳнат қилаётганларнинг бой тажрибаси боис йилдан-йилга хизмат кўрсатиш маданияти ошиб бормоқда. Мижозларга хизмат кўрсатаётган Турсуной Мираҳмедова, Зинаида Плешакова, Вера Суханова, Наталья Хижова, Татьяна Пашина, Ольга Клочковалар минглаб километр узоқликдаги манзилгоҳлар билан алоқа боғлашни жойига қўйиб келишяпти.

Ҳа, шаҳарлараро алоқа йўналишида ўз касбининг усталари меҳнат қилишади. Уларнинг қўлидан ҳар куни қанчадан-қанча буюртмалар ўтади. Мижозлардан, ҳукумат органларидан, ташкилот ва муассасалардан тушган буюртмалар ўз вақтида бажарилишга қилинаётганини англаш қийин эмас. Бу ерда ҳаракатда бўлган замонавий алоқа тизими билан Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқлари, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари, хорижий мижозлар билан куннинг исталган вақтида бемалол боғланиш мумкин. Ушбу манзилгоҳларга ҳар куни минглаб буюртмалар тушади.

Телефончилар ҳар бир буюртманинг ўз вақтида бажарилишини назорат қилиб туришади. Улар ҳар бир буюртма ортида инсонлар турганини яхши билишади. Буюртмачининг ўзига хос талаби, феъли-хўйи, инжиқлиги борлиги алоқачи қизларга яхши аён. Аммо улар мижозларни асло бир-биридан фарқлашмайди. Ҳаммага бирдек хизмат кўрсатишга ҳаракат қилишади. Қизлар буюртмачини эътибор билан тинглаб, зарур гапларни сўраб олишгач, ортиқча сўзлашувга ҳожат қолмайди. Ҳар доим бир хил кайфиятда бўлиш улар учун қонун. Мунтазам ишчанлик, чаққонлик уларга ҳамроҳ. Модомики ҳар бир алоқачида шу ҳолат мавжуд экан, мижознинг миннатдорчилигига сазовор бўлишига шак-шубҳа йўқ.

Телефончи қизлар ҳар доим мижозга ёрдамга қилишга ҳозир туришади. Унинг фикрини бир зумда илғашга, керакли одамни топишга, зарур бўлса қўшимча маълумот олишга ҳаракат қилишади. Алоқачи қизлар оддий иш қуроллари билан хизмат қилишади. Қулоқдаги гўшакдан симнинг у томонидан келаётган ҳар бир товуш улар учун муҳимдир. Ана шу асосда қизларнинг фикри жамланиб, керакли йўналиш танланади. Шаҳарларга чиқиш коди уларга ёд бўлиб кетган. Фақат мижоз берган буюртма телефон рақами тўғри ва симнинг у томонда кимдир жавоб берса кифоя. Оддий иш жараёни узлуксиз давом этади. Ана шу ҳолатда ер юзи бўйлаб ранг-баранг маълумотлар, ахборотлар тарқалади. Станциядаги ишлар автоматлаштирилган бўлишига қарамай, телефончи қизлар қўли билан ўринланадиган буюртмалар ҳам бисёрдир.

Бир кечаю-кундузда 5 мингга яқин буюртма қабул қилинади. Улар алоҳида шахслардан, корхона ва ташкилотлардан тушади. Ҳа, шундай алоқа йўналишлари борки, ҳали улар тўла автоматлаштирилмаган. Ҳатто айрим мижозлар бевосита телефончи қизлар у ёки бу шаҳар билан шахсан боғлаб беришни исташади. Пешма-пеш тушаётган буюртмаларни телефончи М. Маннопова илдамлик билан бажаришга ҳаракат қилмоқда. У ҳали ёш, аниқроғи алоқачиларнинг кейинги авлодига мансуб бўлишига қарамай чаққон ишлаётир. Мураббийлари кўмагида у ўз касбининг устаси бўлишига шак-шубҳа йўқ.

Людмила Михайловна Петрушинец автоматлаштириш бўйича муҳандис бўлиб ишлайди. У меҳнат қилаётган цехда ташаббускор мутахассислар кўпроқ автоматикани жорий қилишмоқда. Мижознинг "07" рақами орқали берган буюртмаси автоматлаштирилган иш жойига келиб тушади. У ердаги электрон асбоб-ускуналар тушган буюртмаларни саралаб беришади. Буюртмаларнинг бир қисми телефончи қизлар қўлига бориб тегса, қолгани автоматлаштирилган йўналишга ўтади. Назоратчи тушган буюртмаларни кузатиб туради, керак бўлса мижоз билан боғланади ва автоматлашган сўзлашувни ташкил этади. Ўз навбатида электроника сўзлашув вақтини, шаҳар кодини, қанча ҳақ тўлаш кераклигини бир зумда чиқариб беради. Мазкур маълумотларни машина тасмага ёзиб олиб, уни ҳисоблаш гуруҳига узатади. У ердан маълумотлар ахборот-ҳисоблаш марказига тушади. Ундан сўнг мижозларга қанча ҳақ тўлаши кераклиги кўрсатилган қоғозлар юборилади. Шаҳарлараро сўлашувда автоматлаштирилган комплекс тизимининг жорий этилиши нафақат телефончи қизлар меҳнатини енгиллаштириб қолмай, балки ҳисоб-китоб ишларини янада жадаллаштиради.

Станцияда ўрнатилган тўртта электрон асбоб-ускуналар ҳар куни 700 та буюртмани қайта ишлайди. Корхонанинг ижодкор меҳнат аҳли аҳолига хизмат кўрсатишни янада такомиллаштириш йўлларини изламоқда.

**К. АЛИЕВ.**





СУРАТЛАРДА: шаҳарлараро сўзлашув станцияси ходимлари иш устида.

**Сураткаш С. МАҲКАМОВ**

# ШИША ТОЛАЛИ КАБЕЛЛАР ХУСУСИЯТИ

Лазер қурилмасининг яратилиши шиша толали кабеллар яратилишига туртки бўлди. Шиша орқали сигналларни узатиш, қабул қилиш мумкинлигини тўла исботлади. Ҳозирги даврда шиша толали кабелларни алоқа соҳасида кенгроқ қўллаш масаласи долзарб вазифалардан бири бўлиб турибди. Бу соҳада чет эл фирмалари ютуқларини ҳисобга олмаганда, бизда айтарли катта ишлар қилингани йўқ. Маълумки, шиша толалар орқали ёруғлик нурлари узатилади. Мис, қўрғошин ва шунга ўхшаш материаллар заҳираларининг чекланганлиги, уларни кундан-кун қимматлашиши шиша толали кабеллар яратилишига олиб келди. Шу материалларнинг қазиб олинадиган умумий ҳажмининг ярмидан кўпроғи кабель ишлаб чиқаришга сарфланади.

Шиша толали кабелларда эса асосий материал сифатида ёруғлик ўтказувчан, тиниқ шишалар — кварц ишлатилади. Ёруғлик сигналларини узатиш учун ярим ўтказгичли лазер ёки ёруғлик тарқатувчи диод хизмат қилади. Худди шу сигналларни қабул қилиш учун фотодетекторлар, фотодиодлар ишлатилади. Ёруғликни қабул қилувчи қурилмага юқори сезгирлик даражасида ишлаш талаблари қўйилади. Ҳар қандай алоқа линиялари учун сигналларни узатиш, қабул қилишда бир неча муҳим ахборотларни дақиқа оралиғида тез ва соз узатиш, кўпроқ масофада сигналлар сўниши, яъни кучайтириш нуқтасигача бўлган узунлик ҳамда ташқи муҳитга бардошлилиги каби талаблар қўйилади. Бу ерда об-ҳаво ўзгаришлари назарда тутилади. Шу талабларга шиша толали кабель жавоб беради деб айтиш мумкин.

Шиша толали кабелларни симли кабелларга нисбатан бир қанча афзалликлари бор. Сигналларни кенг частотали диапазонларда узатиш мумкин. Бундан ташқари бу хилдаги кабелларни хавфли майдонларда, масалан, юқори кучланишли симлар ёнидан олиб ўтиш ҳам мумкин. Албатта, шиша толали кабелларни бир қанча салбий томонлари ҳам борки, булар соч толасидан ҳам ингичка шиша толаларни бир-бирига пайвандлашнинг мураккаблигидир. Толалар бир-бирига ўта аниқ уланмаса, линия қаршилиги ортиб, ёруғлик сигналлари сўниб қолади. Кучайтириш қурилмаларини таъминлаш мақсадида қўшимча электр симларини ишлатиш лозим. Бунинг учун эса махсус тайёрланган мутахассис кадрлар зарур бўлади.

Ҳозирги кунда ривожланган электроника саноати ёрдамида янги қурилмалар, шиша толали сифатли кабеллар ишлаб чиқаришни ошириш жуда муҳимдир. Дастлабки йўналишда бу кабелларни АТСларни бир-бирига боғлаш воситасида фойдаланиш ахборотларни тез, узлуксиз узатилишига муҳим омил бўларди. Унинг баробарида АТСлар орасидаги ортиқча юк йўқолиб, хизмат маданияти кескин ортиши мумкин.

Шаҳарлараро ахборотларни узатишда бу кабелларни қўллаш ҳам юқори натижани беради. Шиша толали кабеллар рақамли сигналларни узатишда ўзининг ижобий томонларини кўрсатди.

Симли кабелларга нисбатан бу кабеллар сигналларни бир неча минг маротаба кўпроқ узатиш имконини беради. Соч толасидан бир неча баробар ингичка шиша толалари бир вақтнинг ўзида телефон, факс, телеканаллар, умуман мавжуд тармоққа уланган ҳамма ахборот воситалари билан ахборот алмашиш имкониятини яратади.

Келажакда аста-секинлик билан бўлса-да, симли кабеллар ўз ўрнини шиша толали кабелларга бўшатиб беришига шак-шубҳа йўқ.

**Нурали НОРМАҲМАТ ўғли,**
**муҳандис**

# ЯНГИ ТЕЛЕСТУДИЯ ИШГА ТУШДИ

Дунё ўзгариш арафасида. Жамиятда риёкорлик, алдамчилик, қабоҳат ва разолат уруғлари ортиб борган баъзи пайтларда тўғри сўзни айтишга ҳамма ҳам журъат этавермайди. Инсон ва унинг қалби, феъл-атворини эзгулик измига бўйинсундириш ғоятда мушкул вазифа. Шунга қарамай яқинда Туркиядаги 33 ташкилотнинг муштарак ҳаракати боис ташкил этилган "Сомон йўли" телестудияси жамиятни ва халқ маънавиятини ижтимоий қусурлардан озод этишга қатъиян бел боғлади. Шу мақсадда чақирилган "Сомон йўли" ширкатининг 1-кенгаш йиғилишида Туркиянинг ҳар гўшасидан 330 вакил иштирок этди. Улар орасида сиёсатчи, амалдор, ишбилармон ва матбуот вакиллари бор эди.

Кенгашда бошқарув ва назорат аъзолари сайланди, телестудиянинг асосий вазифаси маълумотини ошириш эканлиги қайд этилди. Бошқарув Кенгашининг аъзоси Нуриддин Вараннинг айтишича, "Сомон йўли" жамият ҳар турли ишора ва кўрсатмалар билан кераксиз ахлатхонага айлантирилаётгани шу даврда соғлом фикр, эзгу қадриятлар ва тўғри тушунчалар билан одамларга ёрдам бериш учун барпо этилди.

"Сомон йўли" телестудияси кишилар маънавиятидаги бўҳронни таҳлил этади, уни тузатиш йўлларини излаб топади ва туркий миллатлар уфқида ҳилпираётган янги туғилишнинг — янги баҳорнинг бир унсури бўлади. Бу билан у шахс ва жамият бузилишларига шифо бўлади. Телестудия ғарб мамлакатларида ёлғонлар томоша қилишга тавсия қилинаётган ҳақиқат, тўғри сўзлар яширилаётган бир даврда чин гапларни айтиши керак.

"Сомон йўли" турли дунёқараш ва фикрлар эркин ифода этилишига имкон беради. Ҳақ ва ҳақиқатга зарар етказилишига йўл қўймайди. Болалар ва ёшларнинг сигарет, ичкилик, наркотик ва бошқа ёмон одатлардан сақланишлар учун ҳамма ишларни адо этади.

**("Заман" материаллари асосида тайёрланди)**

# ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, КАБЕЛЬ!

Бўстонлиқ туман электр алоқаси тугунининг бошлиғи А. Ускинбоев кабель узилганлигини эшитган заҳотиёқ:

— Қачон? Янами? Чеки борми? — дея дили хуфтон бўлди.

У бундай шароитда нима қилиш кераклигини ўзича ҳисоблаб чиқдида, зудлик билан Алоқа вазирлигини юз берган воқеадан огоҳ қилди. Шундан сўнг фалокатнинг олдини олишга алоқадор бўлган ташкилотлар оёққа туришди. Узилган жойни улаш учун асқотадиган қўшимча кабеллар излаб топилди. Шу орада сим узилиши оқибатида давлат аҳамиятига молик бўлган шаҳарлараро телефон-телеграф алоқаси тўхтаб қолганди.

А. Ускинбоев тезда монтёрлар ва техниклар бригадасини тўплади. Туман ҳокимияти автотранспортдан ёрдам берди. Мутахассислар фалокат юз берган жойга етиб келишгач, кабелнинг узилган қисми таъмирланиб, яна алоқа тикланди. Айбдорлар ҳам топилди.

Аммо вақтинча уланган сим қанча вақт чидай олади? У қисқа муддатга мўлжалланган бўлиб, тез орада доимий кабель билан алмаштирилиши лозим. Хўш, янги кабелни қаердан топиш мумкин? Фавқулодда ҳолатлар учун мўлжалланган эҳтиёт қисмлар аллақачон тугаган. Бу муаммони ўз вақтида ҳал қила олмай, мутахассисларнинг боши қотиши турган гап. Фалокат юз беришига сабабчи бўлганлар эса парвои фалак. Эҳтиётсизлиги учун хўжакўрсинга жарима тўлашади-ю қутилишади. Ваҳоланки, узилган кабель неча бор таъмирланмасин, барибир шикастланганлигини йўқотиб бўлмайди. Шу боис алоқа тизимида бирин-кетин камчиликлар юзага кела бошлайди. Бахтга қарши бугунги амалдаги қонунчилигимиз алоқа кабелларга зарар етказганларни жазолаш учун етарли шарт-шароитларни яратиб бермаган. Юқорида келтирилган воқеа жумҳурият алоқачилари фаолиятига салбий таъсир кўрсатувчи кўпдан кўп воқеаларнинг бири, холос.

Шаҳарлараро алоқа ва телевидение ҳудудий ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи Т. Ўрозбоевнинг ҳикоя қилишича, жойларда алоқа кабелларини эҳтиёт қилиш борасидаги аҳвол қониқарли эмас. Жумҳуриятдаги алоқа йўналишларига хизмат қилувчи ва малакали мутахассисларни ўз атрофига жамлаган меҳнат жамоаси турли жойларда кабель узилгани боис алоқа йўқолгани хусусидаги хабарлардан жунбушга келмоқда. Фалокат ҳар қадамда юз бериши эҳтимолдан холи эмас. Йил давомида 350-400 марта кабеллар шикастланишини кузатиш мумкин. Бирлашма доимо кабель тармоғини зарарланишдан асраб, уни эҳтиёт қилиш ва дахлсизлигини таъминлаш борасида собитқадамлик билан иш олиб бормоқда. Кабель ўтган жойларга махсус белгилар қўйилган. Уларда огоҳлантирувчи ёзувлар мавжуд. Шаҳар ва туман меъморчилик бўлимлари, ер тузувчиларда кабель ўтган майдонлар харитаси бор. Хуллас, ер билан ишлаши мумкин бўлган ташкилот қаерда кабель ўтганидан бохабар.

Амалда ва тартибга кўра, кабель ётқизилган жойни уни эҳтиёт этиш майдони мавжуд бўлиб, у ерда келишмасдан туриб бирон бир иш олиб бориш ман этилади. Бир қатор қурилиш ташкилотлари, саноат корхоналари , ҳатто шахсий уйи бўлган кишилар бу масалада ёзма равишда огоҳлантирилган. Алоқа ташкилоти жойлашган манзилгоҳда агар кабель ётқизилган жойда бирон бир иш олиб бориш зарурати туғилган чоғда зудлик билан хабар бериш учун унинг телефон рақамлари битилган бўлади. Бу борадаги хатти-ҳаракат ўз навбатида қурилиш бошқармалари, Жиззах вилоятидаги 93-механизациялашган кўчма колонна, "Ўзбекгазқурилиш" трестининг махсус механизациялашган кўчма колоннаси, "Газмонтаж", "Обиҳаёт" трестларининг механизациялашган кўчма колонналари ва бошқа ташкилотлар бор.

Маълумотлар шундан далолат берадики, 80 фоиз кабелларнинг шикастланиши аҳоли яшовчи пунктлардан ташқарида рўй бермоқда. Кўпинча яйловда, томорқада, қишлоқ хўжалик экинлари экиладиган майдонда айрим фуқароларнинг билиб-билмай бир қарич ерни ковлаши ёмон оқибатларга олиб келиши мутлақо унутиб қўйилмоқда. Бундан алоқачилар моддий зарар кўришади. Ўз навбатида алоқа хизмати сифати ёмонлашади. Шикоятлар кўпаяди.

Жумҳуриятда юзлаб, минглаб алоқа каналларини ўзида жойлаштирган кабеллар шикастланишининг олдини олиб, турли йўналишларидаги алоқа тизимининг бир маромда ишлашини таъминлайди. Афсуски, ҳамма жойда ҳар вақт шундай тутилмайди. Шуни афсус билан айтиш лозимки, кабелларнинг тез-тез шикастланиши алоқачиларни борган сари кўпроқ ташвишга солмоқда.

Кейинги йилларда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш дастури асосида жуда катта ҳажмдаги ер майдонлари шахсий уй қуришга ажратиляпти. Шу боис бирин-кетин турар жой даҳалари қад ростламоқда. Аммо туман ташкилотлари алоқачиларни ер бўлиб берилишидан огоҳ этиб боришмаяпти. Пойтахт вилоятининг Тошкент ва Зангиота туманларида бу борада мисоллар бисёрдир. Уй қуришга бўлиб берилган жойлардан ер ости алоқа йўллари ўтганлиги ҳеч кимни ташвишга солмаётир. Ваҳоланки, ана шундай боқибеғамлик туфайли катта миқдордаги маблағ совурилмоқда.

Сурхондарё вилоятининг Шўрчи ва Сариосиё, Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманиларида ер қазиш ишлари чоғида муҳим аҳамиятга эга бўлган алоқа йўлига жиддий шикаст етказилган. Кабель тармоғига зарар етказганлар сафида Қашқадарё вилоятининг Муборак, Навоий вилоятининг Учқудуқ туманларидаги йўл йўналишлар кўп. Ана шундай кабелнинг бирортаси шикастланиши туфайли ҳар минутда 50 минг сўм зарар кўриш мумкин. Боз устига фалокатни бир дақиқада тугатиб ҳам бўлмайди, қолаверса ҳар қадамда таъмирловчи усталар навбатчилик қила олишмайди. Кабель узилгач, яқин орадаги алоқа корхонасидан одам келиб, тегишли таъмирлаш ишларини охирига етказгунча бир неча соат ўтиши эҳтимолдан холи эмас. Кўрилган зарар миқдори борган сари ошиб бормоқда. Ўтган 9 ой мобайнида ҳудудий ишлаб чиқариш бирлашмаси бўйича кабеллар шикастланиши туфайли 15 миллион сўмлик зарар кўрилди. Шундай ҳам бўладики, иш бажариш учун рухсати бўлган алоқачи-қурувчилар янги кабеллар ўтказиш пайтида эҳтиётсизлик қилишиб, ҳаракатдаги йўналишга зарар етказиб қўйишади.

Кейинги йилларда кўплаб ижара, давлат тасарруфида бўлмаган ташкилотлар ҳам қурилиш билан шуғулланишмоқда. Улар алоқа йўлларини ҳимоя қилиш бўйича мавжуд бўлган амалдаги тартиб ва қоидаларга бўйсунишни асло исташмайди. Алоқачилар ҳар бир шикастланишни эътибордан қочиришмайди. Ҳар қандай муассасада текширув ўтказиб, айбдорлар аниқланади. Тегишли ҳужжатлар тўлдирилиб, ҳуқуқ-тартибот органларига юборилади. Кўрилган зарар ҳисоб-китоб қилиниб, уни айбдор корхона ва ташкилотдан ундириш чоралари кўрилади. Афсуски, ундирилган маблағлар кўрилган зарарни асло қоплай олмайди.

Надоматлар бўлсинки, ҳуқуқ-тартибот органлари айрим шахсларни алоқа йўлларига зарар етказилгани учун жавобгарликка тортишда сусткашлик қилишмоқда. Бу борада тўпланган материаллар Тошкент вилоятининг Оққўрғон туман прокуратурасида 1993 йил апрель ойидан бери ҳаракатсиз турибди. Бу ҳолни бошқа вилоятларда ҳам кузатиш мумкин. Мазкур ишлар юзасидан жумҳурият прокуратурасининг алоқа йўлларига шикаст етказилганлиги учун жиноят мажмуасида кўзда тутилган моддасини бажариш бўйича назоратни кучайтириш талаб этилган хати ҳам таъсир кўрсата олмади.

Хўш, бу масалани ҳал этиш йўли борми? Энг аввало алоқа йўлларини ҳимоя этиш борасидаги қонунни тайёрлаш ва уни қабул қилишни масалага дахлдор ташкилотлар билан зудликда ҳал этмоқ лозим. Бугунги кунда ҳаракатда бўлган собиқ СССР вазирлар кенгашининг 1969 йилда қабул қилган "Алоқа йўлларини муҳофаза этиш қоидалари" анча эскириб, ҳозирги талабга мутлақо жавоб бермай қолди. Ундан ташқари, мазкур ҳужжатнинг кучи алоқа йўлларини ҳимоя этишга етарли эмас. Бугунги кунда у билан ким ҳам ҳисоблашарди? Алоқа кабеллари ётқизилган майдонларда иш олиб бораётган шахслар маъсулияти кескин оширилмоғи керак. Мазкур майдонларда иш олиб бориб, алоқа йўллари шикастланишига йўл қўйган шахслар жавоб беришиб, ўз чўнтакларидан кўрилган зарарни бир неча борабар тўлашга мажбур бўлишсин.

Бу борада ҳуқуқ-тартибот органларининг ходимлари ҳам фаол ҳаракат қилишиб, алоқа йўлларига зарар етказилганлиги юзасидан тўпланган материалларни зудлик билан кўришиб, тегишли чоралар белгилашлари лозим. Ўз-ўзидан бу борада алоқачилар ҳам катта иш олиб боришлари керак. Қурилиш ишлари олиб бораётганларни мунтазам огоҳлантириб туриш талаб этилади. Улар оммавий ахборот воситаларида тез-тез чиқишиб, қурилиш ташкилотлари ва аҳолини бу борада огоҳ этишлари мақсадга мувофиқдир.

Ҳа, ҳар биримиз алоқа тармоғининг бенуқсон ва бир меъёрда ишлашини хоҳлаймиз. Шундай экан, алоқа воситаларига зарар етказилишининг олдини олайлик.

**А. КУДИНОВ**

# ҲАММАСИ СОТУВЧИГА БОҒЛИҚ

дейди Тошкент шаҳридаги 152-газета дўкони сотувчиси Назира Абдураҳмон ота қизи. Бу дўкон Семашко номидаги саломатликни тиклаш ва физиотерапия табобат илмгоҳи ҳовлисида жойлашган. Асосий мижозлар ҳам беморлар ва шифокорлар. Опанинг ишини кузатаман. Туйнук қаршисида тўхтаганлар фақат газета ва журнал сўрамайди. Кимгадир лотерея ютуқлари жадвали керак. Кимдир ойнаи жаҳон дастурини ўз вақтида олалмай қолган. Олисдан келган ана бу киши эса шифохона қабулхонасини сўраяпти. Бундай пайтда Назира опа айрим одамларга ўхшаб "Бу ер Сизга маълумотхона эмас, оковси!" демайди. Сабр-тоқат билан тушунтириб, одамларнинг ҳожатини чиқаради.

Яхши сўз ҳам, ёмон сўз ҳам бир оғиздан чиқади. Айниқса узоқ-яқиндан шифо истаб келган, ўз уйи — ўлан тўшагидан йироқда бўлган одамларнинг кўнгли нозик бўлади. Назира опа буни яхши билади. Ҳар бир мижознинг кўнглини топиб муомала қилади. Оҳиста опани суҳбатга чорлайман.

**— Назира опа, қачондан буён газета дўконида ишлайсиз?**

— 1961 йилнинг январь ойидан буён шу соҳада ишлаб келяпман. Шопойизда газета дўкони бўларди, ўша ерда иш бошлаганман.

**— Нарх-навонинг кескин кўтарилиши туфайли газета-журналлар баҳоси ҳам ошди. Муштарийларнинг бунга кўникиши осон кечмагандир?**

— Албатта. Дастлаб нашрлар баҳосини сўрашганда жавоб беришга уялиб юрдим. Чунки бизнинг тасаввуримизга сиғмасди-да бундай қимматчилик. Ҳарқалай, муштарийлар кўникиб кетишди. Халқимиз азалдан илму маърифатга, мутолаага ташна.

**— Ҳозир газета-журналлар қандай сотилмоқда?**

— Биласизми, ҳаммаси сотувчига, унинг уддабуронлигига, маҳоратига боғлиқ. Олма пиш, оғзимга туш деб ўтирган билан иш битмайди. Мен ўзимизда чиқадиган газеталарнинг иложи борича тўлиқ сотилишига ҳаракат қиламан. Керак бўлса, иш соатим тугади дея уйга кетиб қолмасдан, шу ерда ўтираман уззу кун. Ахир ишхонам иккинчи уйим бўлиб қолган-да.

**— Ўзингиз қандай газеталарни ўқийсиз?**

— Ўзимизда чиқадиган газеталарни иложи борича қараб чиқишга, диққатга сазовор мақолаларни ўқишга ҳаракат қиламан. Бу муштарийларни қизиқтириш, уларнинг саволларига жавоб бериш учун ҳам керак-да.

**— Буюртмани нашрларнинг сотилишига қараб берасизми?**

— Худди шундай. Мен буюртмани тез-тез янгилаб тураман. Шаҳар матбуот тарқатиш бошқармаси идораси мутасаддилар билан ўзаро аҳил, якдил иш олиб борамиз. Эҳтиёж кўпроқ бўлган нашрларга кўпроқ буюртма бераман, сотилмай қолаётганларини эса камайтираман. Масалан, "Ишонч" газетаси яхши сотилмаётган эди, камайтиришга тўғри келди.

**— "Хабар" ҳақида нима дейсиз?**

— "Хабар"дан 40-50 дона оламан. Бир-икки кунда сотиб тугатаман. Фақат унинг энди шанба куни чиқа бошлагани айрим ноқулайликлар туғдиради. Газетада телекўрсатувлар дастури эълон этилишини назарда тутсак, жума куни чоп этилгани сотишга ҳам, муштарийга ҳам қулай эди.

**— Сизга ойлик режа белгиланганми?**

— Режани доимо ортиғи билан уддалаб келяпман. Режа ҳар ойда ўзгариб туради.

**— Маошингиздан қаноатланасизми?**

— Ҳарқалай, нолимайман. Ҳар ойда мукофот ҳам берилади.

**— Назира опа! Дўконингизда газета-журналлардан ташқари бошқа айрим маҳсулотлар ҳам сотилар экан...**

— Ҳар бири "накладной" — ҳужжат асосида келган.

**— Шифохонада четдан келган ҳар хил олиб сотарлар савдо қилиб юришибди. Мабодо биронтаси Сиздан молимни сотиб беринг деб илтимос қилса нима дейсиз?**

— Йўқ-йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас. Ахир нафақага чиқишимга бир йил қолди. Камтарона меҳнат муносиб тақдирланаётган бўлса, менга яна нима керак? Бундан кейин ҳам ҳалол меҳнатим билан кун кўраман.

**— Самимий суҳбатингиз учун ташаккур.**

**Ш. ЭРГАШ ўғли суҳбатлашди**

# ВАТАННИ АНГЛАМОҚ ЙЎЛИДА...

## *Ўзбекистон халқ ноиби, "Чўлпон" нашриётининг директори ёзувчи Нурали ҚОБУЛ билан суҳбат*

**— Кейинги вақтда миллий мафкура хусусида кўп гап бўлаяпти. Шу борада сизнинг фикр-мулоҳазаларингизни билмоқчи эдик.**

— Миллий мафкура бу давлат байроғи ёнида турадиган оташин сўз машъаласидур. Масалан Туркия давлатининг мафкураси аввало ўтмиш тарих сабоқлари ва буюк турк ватанпарварлари Мустафо Камол Отатурк, Зиё Кўкалп ҳамда Ниҳол Отсизларнинг ватаний ахлоқ, ватаний иймон ҳақидаги асарлари орқали миллатга тушунарли оҳангда етиб борган, сингган. Замон ўзгаргани, давр ривожланишда бўлгани сари такомиллашадиган бу буюк эътиқоднинг тамал тоши "Темур тузуклари"дан бошланиб, жумҳуриятимиз Президенти, қадрли Ислом Каримовнинг Ватан равнақи ва халқ бахт-саодати, келажаги ҳақида куйиб-пишиб қайд этаётган сўзларигача бўлган жуда катта жараённи қамраб оладиким, бу гўзал ақлу-заковат биноси Алишер Навоийнинг буюк инсонпарварлик ғояси, Мирзо Улуғбекнинг дунёвий закоси, Бобурнинг теран идрок эта билиши ҳамда Жалолиддин Мангубердининг ақл бовар қилмас жасоратини ўзида мужассам этмоғи керак. Ана шундагина бизнинг мафкурамиз дунёвий аҳамият касб этади ва халқнинг йўлчи юлдузи бўла олади.

**— Айтингчи, қоғоз тақчил бўлган, китоб нашр этиш ғоят мушкуллашган бир пайтда Сиз раҳбарлик қилаётган нашриёт жамоаси юзага келган муаммоларни қандай ҳал қиляпти?**

— Сизга маълумки, бизнинг нашриётимиз бевосита болалар учун китоб чиқаришга ихтисослашган. Энг аввало "Қуръони карим" каби халқимиз кўз тикиб турган китобларни чоп этишимиз эркин фаолиятимизни таъминлади. Хабарингиз бор, "Темурнома", "Бобурнома", "Шажараи турк", "Темур тузуклари" (рус тилида) "Чор китоб" каби мусгабид тузум даврида чоп этилиши таъқиқланган ўнлаб асарлар дунё юзини кўрдики, бу буюк савобнинг иқтисодий самараси ҳам ёмон бўлмайди. Қолаверса, бизга ҳукуматимиз доимо имконият даражасида кўмак бериб турибди. Юқоридаги каби китоблардан "Кремль империяси" асари чоп этилди. Яқин кунларда Мирзо Улуғбекнинг машҳур "Тўрт улус тарихи" ("Тарихи аръба улус") ва "Мухтасар" халқимиз қўлига етиб боради.

**— Хабаримиз борки, кейинги йилларда Сиз хорижда яшовчи ватандошлар билан тез-тез мулоқотда бўляпсиз. Сиз уларнинг Ўзбекистон ҳақидаги тасаввурларини қандай ифодалаган бўлардингиз?**

— Ҳар ҳолда хориждаги ватандошларимизнинг ватан ҳақидаги тасаввурларини мендан кўра ўзларидан эшитганингиз маъқул. Тақдир тақозоси билан ватандошларимизнинг тўқсон фоизи тужжорлардир. Улар кун кўриш, тирикчилик учун чексиз азоб-уқубатларга дучор бўлганлар. Ва ҳар бирининг қалбида фикрлаш қамровига қараб Она-Ватан туйғуси яшаган. Менинг бу ҳурматли миллатдошлар билан мулоқотларим Ҳаққа интилмоқ, унга етмоқ каби Ватанга етмоқ, уни топмоқ, унинг учун ўзликни бахшида этмоқ йўлидаги изланишларимдир. Дарвоқе Ватанни тўла-тўкис англамоқ Ҳаққа етмоқ каби машаққатли ва чексиздир.

**— Сир эмас, китоб дўконларида ўзбек тилидаги асарлар ҳозир анча тақчил бўлиб қолди. Олди-қочди, ур-сур, хуфиячилар ҳаётини ҳикоя қилувчи китоблар кўпайди. Ҳаммаси оқ қоғозга босилган. Муқовасининг усти ялтироқ. Нега шундай бўлаяпти? Наҳотки одамларнинг маънавий олами чекланиб бораётган бўлса?**

— Бу бозор иқтисодининг табиатига ётдир. Масалан Туркияда беш мингта журнал чоп этилади. Энг катта нусха эса беш минг дона. Бу нашрлар маълум кишилар ва уюшмаларнинг дунёқарашини акс эттиради. Гап сиз айтган маънавий оламнинг тезроқ барпо бўлишида. Эртадан кечгача чойхонада кулга беланиб ош дамлайдиган миллатдошимиз Эскижўва бозоридан тўрт минг сўмга бир кило қўй гўштини ёки эллик минг сўмга "Смирново" ароғини олади, бироқ икки минг сўмлик китобни кўрса энсаси қотади. Қачонки мана шу миллий қусурдан холос бўлмас эканмиз, бу хусусдаги баҳсларимиз давом этаверади. Кишиларимиз жуда оддий ҳақиқат — ейиш учун яшамасликни, аксинча яшаш учун ейишни тўкис англаб етганларидагина бизда жиғилдон исёни тугаб, виждон ва иймон инқилоби бошланади. Ана шундагина бизда меҳнат санъат даражасига яқинлашади ва халқимиз катта маънавий юксалиш даврига киради. Ана шу тариқа халқ ўз феълидаги бачкана маишийлик ва жоҳилликдан холос бўла боради.

**— Китобхонлар Сизни асосан ёзувчи, ўткир мақоланавис сифатида яхши билишади. Эшитишимга қараганда, Сизнинг шеърий китобингиз нашр этилмоқда. Хўш, шеъриятга мурожаат қилишингизнинг боиси нима?**

— Одатда кўпчилик ижодкорлар ёзишни назмдан бошлашади. Бу табиий ҳолдир. Шеър ҳис-туйғу маҳсули. Насрга мушоҳада, машаққатли меҳнат керак. Асл гўзал шеърлар ёзилмайди, улар содир бўлади. Ватан ҳақида бир нечта шеър ёздим. Ўзимга ва дўстларимга маъқул келди. Сўнгра илгари ёзилган шеърларни қўшиб мўъжазгина бир китоб тайёрладик. Бу мен билан бирга ишлаган иқтидорли мусаввир Уйғунбек Солиҳовнинг ҳам китобидир.

**— Мураккаб ҳаётда ҳақиқий дўстлик ҳам муҳаббатдек кам учрайдиган ноёб туйғудир. Умуман, дўстлик тушунчаси ҳақида нима дейсиз? Сиз кимлар билан, нима учун дўстлашасиз?**

— Оғир савол. Дунёда инсон зотини чарчатмайдиган, унга куч-қувват ато этадиган бир туйғу борки, бу дўстлик. Дўстлар — ҳар бир кишининг феъли атворига қараб ҳаёт йўлида унга дуч келадиган кишилардир. Менинг дўстларимга, жумладан барча инсонларга нисбатан амал қилиб яшайдиган ҳаётий шиорим бор: Сенга бировнинг қилган ёмонлигини ва ўзингни ўзгага қилган яхшилигингни унутиб яша!.. Ундан ташқари халқимизда уларга шерик уч нарса бор, бу — дўст, фарзанд ва оила деган сўз мавжуд. Мана шу манбаларсиз инсон ҳаёти кемтикдир. Бироқ бизнинг муҳитда кишилар дўст билан ошнанинг унчалик фарқига бормайдилар. Ошна дегани дўст эмас, бирга ош еювчи демакдир.

**— "Унутилган соҳиллар" романингизда мингдан ортиқ мақол, матал, халқ сўзлари бор. Бугунги кунда қайси мақолларга кўпроқ амал қиласиз ёки ўйлаб юрасиз?**

— Негадир халқимизнинг "кўзингни ҳар кўрган қарга чўқисин" деган нақли бот-бот ёдимга тушаверади. Менда бу каби нақллар жуда кўп. Насиб этса уларни битилажак "Умр шами" қораламамда ишлатаман. Ёки амалдан тушганнинг дўсти бўлмайди, ишонмасанг тушиб кўр...

**— Давр шундай шиддатлики, бугунги ҳаёт ва мустақилликни илгари ожиз тасаввуримизга сиғдира олмасдик. Ҳаёт бамисоли театр саҳнасидек кўз олдимизда айланиб, ўзгариб турибди. Аммо инсонда имон-эътиқод, маслак каби муқаддас сифатлар ўзгармаслиги керак. Керак деймизу аммо... Беш қўл баробар эмас-да...**

— Русларда яхши бир халқ сўзи бор: Инсон ўз шахси учун қирқ ёшидан сўнг тўла-тўкис жавоб беради. Бу ёшгача у шаклланаётган бўлади. Мана шу ёшгача эътиқоди қарор топиб бўлмаган кишиларни ҳам қоралаб бўлмайди. Ахир тақдир тақозоси сабаб сиз билан биз мустамлака тузуми шароитида туғилиб, ўсиб, вояга етганмиз. Сиз билан биздаги нуқсонлар ҳатто болаларимизга ҳам ўтиши мумкин. Сабаби ҳали тўғри йўлдан қандай юришни ўзимиз яхши билмаймиз. Ҳеч бўлгандан кўра кеч бўлсада барчамизнинг қалбимизда Она-Ватан, она халқ туйғуси тўкис қарор топган. Энг муҳими шу. Ватан нималигини англаб етган кишилар кўпайган сари миллатимиз баркамоллашаверади. Энг муҳими халқимиз қалбида ҳақиқатга садоқат бор. У бир куни қуёшдек порлагувсидир.

**— Сизнинг кўпгина асарларингиз бетакрор болалик хотиралари асосида битилагн. Агар имкон бўлса, яна боликнинг беғубор дамларига қайтармидингиз?**

— Вужудида, қалбида самимият, инсониятга, борлиққа меҳр-муҳаббат билан яшаган одамнинг юрагида ҳаётнинг сўнгги дақиқасига қадар болалиги яшайди.

**— Газетамиз алоқачилар нашри бўлгани учун яна шундай савол бермоқчиман. Хорижда юрганинигизда у ердаги алоқа хизмати билан қизиқдингизми? Бу борада ўзингизча таққослаб-қиёслаб кўрдингизми?**

— Шуни айтиш кераккки, обуна деган гап хорижда унчалик оммавий эмас, фақат кутубхона ва илмий ташкилотларда мавжуд. Алоқа хизмати олий даражада, бироқ нархи ҳар қандай бойваччани ҳам чақади. Бизда бу хизматни ривожлантириш учун кўп иш қилиш керак. ҳам бу хусусда алоқачиларга янада кўпроқ ёрдам берилиши зарур. Ўзбекистон Алоқа вазирлигининг чет эл фирмалари билан амалга ошираётган хайрли ишларини эса қўллаб-қувватлаш керак. Жумҳуриятимизнинг дунёвий алоқаларида бу ғоят муҳимдир.

**— "Хабар" муштарийларига тилакларингиз?**

— "Хабар" газетаси фикрловчи, мушоҳада эта билувчи, вужудида ватан туйғуси жўш ургувчи, миллати учун жон фидо кишиларнинг нашри бўлиб қолаверсин. "Хабар" доимо элимизга хушхабар келтирсин!

**— Самимий суҳбатингиз учун ташаккур!**

**Суҳбатдош И. УСМОНОВ**



Ватанимни куйлайман Сураткаш Р. АЛЬБЕКОВ

## ДАСТЛАБКИ ҲИСОБЛАШ МАШИНАЛАРИ

Фан ва техника тараққиёти ҳақида сўз борганда кибернетика фани ва электрон ҳисоблаш машиналарини тилга олмай илож йўқ. Чунончи, атиги 50-55 йил муқаддам дастлабки электрон ҳисоблаш машиналари яратилган бўлса, ҳозир ЭҲМлар ривожланишнинг янги босқичини ўтамоқда.

Хўш, дастлабки уч босқичда қандай ЭҲМлар яратилган? Маълумки, ҳисоблаш техникаси воситалари информацияни қайта ишлаш ва қандай шаклда беришига кўра аналог, рақамли ва аналог-рақамли каби турларга бўлинади. Аналог-ҳисоблаш машинаси (АҲМ) узлуксиз ўзгариб турувчи миқдорларнинг қиймати топиладиган математик масалаларнинг сонларини шу миқдорлар билан таққослайди. Бунда натижа машинадаги ўзгарувчан физик миқдорларни ўлчаб аниқланади.

Рақамли ҳисоблаш машинаси (РҲМ) рақамли кодлар ёрдамида қўшиш, айириш, кўпайтириш ва бўлиш амалларидан ташқари, мантиқий амалларни ҳам бажаради.

Аналог-рақамли ҳисоблаш машинаси АҲМ ва РҲМ қисмлари асосида яратилган. Мазкур машинада натижалар рақамли ва узлуксиз шаклда олинади. У математик ва мантиқий амалларни бажаришда ҳамда машина миқдорларини бир шаклдан иккинчи шаклга кўчиришда ишлатилади.

1937-1944 йилларда америкалик олим Г. Эйкен раҳбарлигида электромеханик рақамли ҳисоблаш машинаси "Марк-1" яратилган эди. Электрон рақамли ҳисоблаш машинасининг пайдо бўлиши эса бу борада катта бурилиш ясади. 1952 йили академик С. Лебедев раҳбарлигида тезкор электрон рақамли ҳисоблаш машинаси бунёд этилди.

Технологик жараёнларнинг янги хил ЭҲМларни ишлаб чиқишга мослашуви натижасида ҳисоблаш техникасининг микроэлектрон элементлар негизи ривожлана бошланди.

**А. АЛИЕВ тайёрлаган**

*• Мерос*

# МАЪРИФАТ

**"Тариқи тасаввуф", яъни тасаввуф йўли — тасаввуф аҳлининг эл ишларини адо этишию шариат қоидаларига риоя қилишнинг бирдан-бир тўғри йўли. Бу тариқатнинг туб моҳияти — зўр қатъиятлилик ила ёмон ахлоқдан кечмоқ ва яхши ахлоққа етишмоқдир. Бинобарин, "ризо аҳли" — борига қаноат қилувчи кишилар учун тасаввуф энг "яхши ахлоқ".**

Шайхул-машойихлар айтадилар: тасаввуф — нафс лаззатларидан воз кечиб, нафс манзилларини босиб ўтишдир, яъни худо йўлида нафсдан кечмоқдир. Янада лўндароқ шундай валиёна ифода этадилар: тасаввуф — ўлими йўқ ҳаёт ва ҳаёти бўлмаган ўлимдир, яъни нафсоний — ҳайвоний ҳаётда ўлмоқ ва инсоний ҳаётда яшамоқ...

Кимнинг вужудида ҳайвоний ҳирслар ғолиблик қилса, тилсиз махлуққа айланиб, нафс тузоғига илинади: нафс эса энг хатарли душман — инсон ичидаги ғаним. Хожа Аҳмад Яссавий таъбирича, нафс "ябон қушдек қўлга қўнмас" бир дардисар. Қандай бўлмасин, уни қўлга олиш керак. Билъакс, бу қуш ўз ҳолича парвоз қилаверса, кишини кундан-кунга тўғри йўлдан оздириши турган гап ("Нафс йўлига кирган киши расво бўлур. Йўлдан озиб, тойиб, тўзиб гумроҳ бўлур. Ётса, турса шайтон билан ҳамроҳ бўлур...")

Дарҳақиқат, инсон дилидаги хоҳиш-истакларнинг чек-чегараси йўқ. Бу хоҳиш-истаклар неча минг турфа тусларда товланади. Аҳли дониш айтадики: Аслида одам боласининг ташналик эҳтиёжи учун бир томчи тиниқ сув кифоя. Лекин у бир коса шарбат бўлса, дейди. Шарбатга етгач, мусаффо ҳовуз бўлса эди дейди. Одамнинг хоҳиши ижобатда: ҳовуз муҳайё бўлади. Сўнгра у кўл бўлса экан дейди. Кўл бўйларида ўтиргиси ва кўл бўйларида сон-саноқсиз сурувларини кўм-кўк ўтлоқларга қўйиб юборгиси келади. Кейин кўл ҳам кўнгилга уради. Денгизни истайди. Одамнинг хоҳиш-истаги ижобатда: унга денгиз тегади. Кейин одамнинг хоҳишлари олдида ҳатто денгиз ҳам бир қатрадек туюлади. Ниҳоят, кўнгил уммонларни ўз мулки бўлишини орзу қилади... Кўнгил мулкининг икки подшоҳи бор: бири — нафс. Иккинчиси — руҳ. Нафс ҳоким бўлган кўнгиллардан руҳ чекинади. Кўнгил бутунлай нафс диёрига айланади. Бу кўнгил жаҳонга яхшилик келтирмайди. Нафс ўз-ўзини ва ўз тасарруфидаги барча ато этилган бойликлар, хазиналарни емириб, барбод қилиб боради. Барча разилликлару зўравонликлар, барча босқинчиликлару қон тўкишлар фақат ана шу нафснинг ишидир. Нафснинг яна бир қусури — макр. Шунинг учун ҳам нафс ўзини енгилмас деб ўйлайди. Аммо руҳ уни енгади. Ҳа, руҳ ғолиб кўнгил доим ободдир! Руҳ ҳукмрон бўлган юртлар мудом бахтли-саодатлидир!..

Демак, инсон табиатидаги салбий кучларнинг ўзини намоён этиши — нафс туфайли. Ундан қутулишнинг бирдан-бир тўғри йўли нафсни ўлдириб, сабр-қаноат билан ҳалол яшаш, руҳ, яъни иродани чиниқтира бориб, инсонийликка, демакки, илоҳийликка эриша боришдир. Улуғ мутасаввуфлардан бўлган Жунайд Бағдодий (вафоти 910 йил): Очликка интилмоқ ва дунёда илик тортмоқ бизнинг устозларимиздир, дейди. Дарвоқе, очликка интилмоқнинг маъноси не? Ахир, бу ул валий зотларнинг маърифатга, ҳақиқатга, мушоҳадага, ражо (умид)га очликларнинг, Аллоҳга бўлган муҳаббатга, инсонга мурувватга, ҳимматга очликларнинг ифодаси эмасми?! Илик тортсалар — фақат ҳаромдан, макруҳдан, мунофиқ дайр-дундан илик тортадилар-да! Комил инсоннинг умри ҳам шуда, ахир!..

Мутасаввуфлар фикрича, инсоннинг ахлоқини тузатиш инсон табиатидаги салбий, ҳайвоний кучларни мавҳ этишдан бошланмоғи керак. Бинобарин, иймонли, яъни пок ва ростгўй, инсофли ва ҳалол авлодларни тарбиялаб вояга етказа бориш зарур. Шу боис иймон — инсон учун муқаддас туйғу. Зеро, иймон Ҳаққа эътиқод қилдингми — ҳеч кимни алдама, ҳалол билан ҳаромни фарқла, ёлғондан қўрқ, муттаҳамлик йўлларига зинҳор-базинҳор қадам босма дегани. Демак, иймон топмоқ йўли комиллик — мукаммалик йўлидир. Алишер Навоий таъбирича, ҳар киши "ёмон ахлоқни" бартараф қилиш билан жиддий шуғулланган тақдирдагина комилликка эриша боради, бошқача айтганда, одамизот орзу қилган жами эзгу хислатларнинг ифодасига айлана боради:

**Бордир инсон зотида онча шараф,**
**Ким ямон ахлоқни этса бартараф.**

Шу сабабли яна шуни айтишадики, тасаввуф — ёмон ахлоқдан парҳез қилиш орқали илоҳий сифатлар нурига етишдир, тасаввуф — яхши ва олий хулққа кириш ва паст хулқдан чиқишдир...

Ҳа, тасаввуфга доир нуқтаи назарлар ниҳоятда хилма-хил. Аниқланишича, XI асргача бўлган ёзма манбаларда тасаввуф тушунчаси ва тасаввуф оқимларининг етмиш саккиз маънодаги талқини мавжуд. Бундан чиқди, тасаввуф тадқиқи ғоят мураккаб ва серқирра жараён. Демак, бу борада тарихчи, диншунос, файласуф, адабиётшунос ва руҳшунос (психолог) олимлару ёзувчи ва журналистларнинг яқин ҳамкорликлари ғоят зарур.

Маълумки, бу йил табаррук ватандошларимиз, мусулмон Шарқидаги энг буюк мутасаввуф донишмандлар — яссавия тариқати асосчиси, туркий мумтоз шеъриятнинг улуғ вакили Хожа Аҳмад Яссавийнинг 900 йиллик ва Шайх Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг 675 йиллик мавлуди шарифлари нишонланди. Шу баҳона нафақат ул зотларнинг, айни чоғда улар қатори номлари унутилаёзган Юсуф Ҳамадоний, Нажмиддин Кубро, Ҳаким ота (Сулаймон Боқирғоний), Занги ота Ҳимматий, Хўжа Аҳрор Вали каби қанчадан-қанча валийсийрат аждодларимизнинг ҳурматлари ҳам бажо келтирилиши даркор. Шукроналар бўлсин, Истиқлол қуёши балқиб, уларни йўқлайдиган, руҳи покларини шод этадиган кунлар насиб айлади. Айтиш мумкинки, тасаввуф аҳлининг ҳаёти, ижоди серқирра фаолиятларини чинакамига ўрганиш, таҳқиқу тадқиқ қилиш эндигина бошланди.

"Ҳақ йўлига кириб бўлмас пок бўлмасанг" — бу "Туркистон мулкининг шайхул-машойихи..." (Навоий) Хожа Аҳмад ибн Иброҳим ибн Али ал-Яссавийнинг эътиқоди. Демак, ҳалол билан ҳаромни фарқламоқ лозим: фақат ўз меҳнати эвазига тирикчилик қилиш, фақат ўз меҳнати ҳақига қул бўлиш ҳалолликдир, бошқаси — ҳаром. Зеро, ҳаромхўрлик ҳеч нарса билан ювиб бўлмайдиган жирканчлик, унинг гуноҳи ўша одамнинг ўзигагина эмас, балки оиласига, бола-чақаларига ҳам урадиган балойи азим. Шу боис улуғ шайхлар луқмани ҳалоллаб ейишга чақирганлар ва ўзлари бунга қатъий амал қилганлар: бирор касб эгаси бўлганлар, меҳнат қилиб нон топганлар. Айтайлик, Аҳмад Яссавий деҳқон ўтганлигини ҳикматларидан билса бўлади, Сайид Амир Кулол ва Баҳоуддин Нақшбандларнинг номлариёқ касбларини айтиб турибди.

Яссавий шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат босқичларини ўтар экан, ўзини хилватга тортиб, фикру зикрини Аллоҳга бахшида этишни, Унинг ягоналагини идрок қилишни, бу йўлда ҳар қанча ранж-алам чекишни шарт деб билди. Яъни:

**Барча ишни комил тутуб шариатга,**
**Бошдин кечиб, қадам қўюб тариқатга,**
**Жон ва дилин муштоқ этиб маърифатга,**
**Ҳақиқатни (нг) асрорига жуён бўлур.**

Хожа Аҳмад Яссавий Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Ғаззолий ва Юсуф Ҳамадонийларни ўз устозлари деб билди.

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд — Муҳаммад ибни Муҳаммад Жалолиддин Бухорийни Хожа Муҳаммад Бобои Самосий фарзандликка қабул қилган, Сайид Амир Кулол, Халил ота, Қусам Шайх сингари устозлари бўлган. Қусам Шайх тўғрисидаги Ҳазрат Навойи шундай ҳикоя битганлар: "Қусам Шайх — ул турк машойихидиндур. Хожа Аҳмад Яссавий хонадонидиндур. Хожа Баҳоуддин (Нақшбанд), ул сўз мужибини Мир Сайид Кулол аларға ижозат берганда деб эрдики: "Ҳар қаёндан ройиҳае димоғингизға етса, талабда тақсир қилманг", Қусам Шайх хизматиға бордилар. Ул аввали мулоқотда қову ейдур эрди. Пўчоғни Хожа сори ташлади. Ул ғоят талаб ҳароратидин ул пўчоғни териси билан едилар. Ул мажлисда икки-уч қатла бу навъ воқеъ бўлди. Ҳам бу мажлисда Шайхнинг ходими кириб дедики: "Уч тева ва тўрт от ғойиб қилибман". Шайх Хожаға ишора қилиб дедики: "Ани яхши тутунгиз". Тўрт киши андоқ хушунат била Хожага ёпиштиларки, гуё арода қоне воқеъ бўлубдур. Ҳазрат Хожа дебтурларки, турк машойихининг шинохти (таниши) бўлмаса, алар тариқидин мутанаффир (нафратланган) ва навмид бўлур эрдим. Хожа муроқаб ўлтуруб дедиларки, намозшом адосидин сўнгра ходим яна кириб дедики: "Ғойиб бўлғон тевалар ва отлар ўзлари келдилар".

Қусам Шайх хизматида Хожа уч ойга яқин бўлдилар. Охирул-амр Шайх Хожага ташриф берди ва деди: "Тўққиз ўғлум бор. Сен барчасидин улуғроқ ва муқаддамроқ". Андин сўнгра ҳар қачон Шайх Нахшобдин Бухороға келур эрди. Хожаға мулозамат қилурлар эрди. Шайх дебдурки: "Бу навъ талабгорлиғки, сенда кўрубмен, толиблардин ҳеч қайсида кўрмаймен".

Охир бу Қусам Шайх Хожа интиқо ва камоли бетааййунлуғидин Бухоронинг тимларидин бирида андоқ савдо ва сотиқ қилди ва чиқиб бир дўкончада ўлтуруб, асҳоб ва фарзандларидин ҳар ким-ки анинг эдилар тилади ва дедики": "Бизнинг борур чоғимиз бўлди. Тавҳид калимасин алар мувофақати била айтти ва жон таслим қилди."

Нақшбандийликда: Дилинг Аллоҳда-ю, қўлинг ишда бўлсин, деган гап бор. Бунинг маъноси — Аллоҳни қалбингга нақшлаб, ҳалол меҳнат билан яша, дегани. Бундан ташқари, нақшбандия тариқати "зикри жаҳр, хилват ва само"га берилиш ўрнига жамоат ичида хилватда бўлишга, яъни зоҳиран халқ билан ва ботинан Ҳақ таоло билан бўлишга даъват этади.

Мавлоно Абдураҳмон Жомий ўзининг "Нафаҳотул унс мин ҳазаротул қудс" асарининг Баҳоуддин Нақшбанд ҳақидаги саҳифаларида бундай ёзади:

"Ҳақиқат аҳли иймонга бундай таъриф берганлар:

**— Иймон қалб ақидасидир. У Аллоҳ ризолигидан ўзга барча масалаларни қалбдан йўқ қилади.**

Баҳоуддин Нақшбанд (қоддаса сирруҳу) деганлар:

**— Бизнинг тариқатимиз суҳбат, хилватда шуҳрат, шуҳратда офат. Хайрият жамиятда ва жамият суҳбатдадир. Шарти шуки, бир-бирларига нафлари тегса. Бу йўл толибларининг жамъи бир-бири билан суҳбат қурса, унда жуда кўп хайр ва барокат бўлар. Умидимиз борки, мулозимат ва мудовимат ила ҳақиқий иймон бўлгай.**

Баҳоуддин Нақшбанд (қоддаса сирруҳу) дердилар.

**— Солик (тариқат йўлидан борувчи) қай вақтки, Аллоҳ дўстларининг бири билан суҳбат қилса, ўз ҳолидан огоҳ бўлсин ва суҳбат вақтини ўтган суҳбат билан мувозанатга келтирсин (таққосласин). Агар тафовут, фарқ яхшиликка томон топса, бу азизнинг суҳбатини ғанимат билсин. Яна дейдилар:**

**— "Ла илаҳа" олий табиат нафйидур. "Иллаллоҳ" Ҳақ таоло маъбудлигининг исботидур. "Муҳаммадин расулуллоҳ" ўзни "фатабаъуни" мақомига киритиш. Зикр этишдан мақсад тавҳид калимасининг ҳақиқатга етишишдур. Бу калиманинг ҳақиқати ўзга калималарни айтишдан тўла озод бўлмоқ. Кўп айтиш шарт эмас. Ҳазрат Азизон айтардиларки, ер бизнинг назаримизда суфра (дастурхон) кабидур. Биз, тирноқ юзи кабидур,деймиз. Ҳеч нарса бизнинг назаримиздан ғойиб эмас...**

Тавҳиднинг сиррига етиш мумкин, лекин маърифатга етиш қийиндур.

Ҳазрати Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (қоддиса сирруҳи) муборак Ҳаж сафарига боришларида Хуросоннинг улуғ кишиларидан бирига зикр таълимини берган эдилар. Хожага мурожаат қилиб дедиларки, "фалон киши зикрнинг такрори билан кам шуғулланади".

Баҳоуддин Нақшбанд (қоддаса сирруҳу) дедилар:

— Зарари йўқ.

Кейин ундан сўрадилар:

— Бизни уйқуда кўрдингми?

Деди:

— Ҳа, кўрдим.

Дедилар:

— Шунинг ўзи етарлидир.

Демак, Вужуди мутлақ висолига етишишда ислом таълимотининг маърифат босқичи муҳим ўрин тутади. Чунки маърифат манзилида инсон Ҳақ таоло моҳиятини англашга интилиб, илму ахлоқда мукаммаллашади ва ориф деган олий номга сазовор бўлади... Ахир Низомиддин Мир Алишер Навойи ҳазратлари ҳам айни шунга кўра: "Тоат кўпидин маърифат ози яхши", деган бўлсалар не ажаб?!.

**Зуфаржон ЖЎРАЕВ**

---

*• Бу — қизиқ*

## ХАБАР, МАЪЛУМОТ БЕРУВЧИ «ТИЛЛАР»

*Голландияликларнинг шамол тегирмони воситасидаги ўзига хос "тили" бўлган. Тегирмончилар тегирмон парракларини маълум ҳолатга қўйиб, турли-туман хабарларни ифодалаганлар. Улар ҳатто шаҳарга, бозор қилиш учун кетаётган хотинларига парраклар орқали "Менга ярим қадоқ трубка тамакисини олиб келишни унутма" сингари мураккаб гапларни ҳам англата олганлар.*

***

*Яқин-яқингача ҳам бу "тил"ни ҳамма тушунарди. Ҳозир, шамол тегирмонлари деярли қолмаган пайтда голландияликлар қадимги анъанани тиклаш учун бир қўлланма босиб чиқаришди. У ўзаро хабар қилувчи бир қанча дарсларни ўз ичига олган. Чунончи: "Дам олаяпман". "Безовта қилмасликни сўрайман", "Меҳмондорчиликка кетдим", "Хотин, тезроқ уйга кел", "Бугун менинг туғилган куним", "Тегирмон тошини алмаштираяпман".*

***

*Албатта, тутун "тили" билан унча кўп хабар, маълумот бериб бўлмайди, аммо умри овчилик билан ўтадиган кўчманчи дашт ҳиндларига кўп маълумотнинг ҳожати ҳам йўқ эди.*

*Аввалдан келишиб олиб, керакли маълумотни тутун орқали бемалол етказиш мумкин бўлган. Масалан, тепаликдан кўринган оқиш тутун — "ёввойи буқалар подасини учратдим"; ер бағридаги қора тутун эса — "душманнинг кўплаб изларини кўрдим" деган маънони англатган.*

**А. АЛИЕВ тайёрлаган**

---

## МЎЙСАФИД ТАЛАБА

*Саксонинчи баҳорни қаршилаган югославиялик Петар Жамония энди кексалик гаштини суриб юраман деганда яна бир ташвишли иш чиқиб қолди. У неварасини Сараев университетига кириш имтиҳонидан иккинчи марта "қулаб" келганини эшитдию, унинг ношудлигидан фиғони фалакка чиқиб кетди.*

*Қария оппа-осон имтиҳондан ўтолмаган неварасини койиганича, ўзи университетга имтиҳон топширгани борди. Тез кунда унга откритка келди. Буни қарангки, унда Петар Жамониянинг талабаликка қабул қилинганлиги ҳақида хабар қилинган эди.*

*Ким билади, у Югославиядагина эмас, эҳтимол дунёда ҳам энг мўйсафид талабамикан...*

• *Маданият дурдоналари*



Қадимги Ҳиндистоннинг диний, фалсафий, маданий ёдгорликларида ҳиндувийлик (индуизм) таълимотининг тўрт дастурига амал қилиш зарурлиги таъкидланади. Биринчиси, дхарма (қонун, бурч) — диний, оилавий, ижтимоий бурчлардан иборат. Иккинчиси артха (моҳият, наф келтириш) — моддий турмуш неъматларига етишиш ва улардан фойдаланиш шартларидан иборат. Учинчиси кама (роҳат) — ҳиссий эҳтиёжларни қондириш йўлларини ўргатади. Ва ниҳоят,

# КАМА СУТРА — СЕВГИ САНЪАТИ

тўртинчиси люкша (қутулиш, нажот) — инсоннинг фоний дунё ўткинчи нарсаларидан қутулиб, руҳий эркинликка эришувини ўргатади.

Машҳур ҳиндшунос олим Александр Сиркин узоқ йиллар қадимий Ҳиндистон маданияти ёдгорликларини ўрганиб, санскрит тилидан кўпгина фалсафий асарларини, "Панчатантра" номли бадиий адабиёт дурдонасини (бу асар Эрон, Ўрта Осиё ва араб адабиётларида "Калила ва Димна" деб юритилади — М. М.) рус тилига таржима қилган. Александр Сиркин турғунлик йилларида СССРдан хорижга кетиб қолган эди. У ҳозир Қуддуси-Шариф (Иерусалим) дорилфунуни профессоридир. Ҳиндшунос олим таъкидлашича, "Мону қонунлари" — дхарма, "Артхашастра" — артха, "Кама Сутра" — лаззатланиш санъати қонуниятларини ўргатади. Бу асар бизга улуғ Рим шоири Овидийнинг "Севги санъати"ни эслатади. "Кама сутра" пандномаларида, — деб ёзади Александр Сиркин, — кама таълимоти (гап келин танлаш, бегона аёлга яқинлашиш ёки ҳетера (итера, хоҳлаган одамни севиб яшовчи аёл) лар ҳақида борадими, барибир у бошқа дастурларнинг шартлари билан туташиб кетади. Ҳиссий севги бу ерда ўзича алоҳида олинмай, балки ҳиндуизмнинг бошқа диний қадриятларига муайян муносабатларда кўринади. Каманинг ўзи ҳам ана шу ўзаро боғлиқ диний қадриятлардан биридир. Ҳиндшунос олим таъкидлашича, қадимги веда асарларидан то ҳозирги фалсафий, бадиий асарларгача, космология (оламнинг тузилиши, табиат кучлари) муайян ишқий муносабатларда тасаввур қилинади. Чунончи, осмон ёмғир орқали ерни экинларга ҳомиладор қилади, ҳақиқатга етишган одамга илоҳий висол насиб этади ва ҳоказо. Бу Шарқ мутасаввуфлари фалсафасидаги ишқни илоҳийлаштириш ғоясига ўхшайди. Аммо Кама Сутра тасаввуфдаги худо жамолига етишишдан кескин фарқланади ҳам. Кама Сутрада ҳар қандай вазиятлардаги эркак ва аёлнинг ҳиссий муносабатлари муқаддас ҳисобланаверади. Хуллас ҳиндуизмнинг бу ишқий таълимоти ислом динига амал қилувчи барча мусулмонларга ғайрича кўриниши табиийдир.

Аёллар бизда аёллик қиёфасини йўқотаёзган бир шароитда ҳинд фалсафасида аёл — рақобат-фароғат манбаи эканлиги таъкидланиши муҳимдир.

Қадимий ҳинд маданияти ёдгорлиги "Кама Сутра"дан қуйида берилаётган парчалар бизга жаҳондаги бошқа динларда ишққа муносабат қандайлигини тушунишга ёрдам беради.

**Маҳкам АНДИЖОНИЙ**

## УЧ МУРОД-МАҚСАДГА ЕТИШИШ ҲАҚИДА

Чиндан ҳам, юз йил умр кўришни ният қилган одам уч мурод-мақсадни кўзлайди, зеро бу мақсадлар бир-бирига халақит бермайди. Одам боладикда билим олсин, артханинг бошқа ишлари билан шуғуллансин. У ёшликда — кама, роҳат-фароғат билан умр ўтказсин. Қариликда — дхарма ва мокша мақсадида яшасин. Ёхуд умр беқарорлиги туфайли, одам шароитларга қараб, (қачон бўлса ҳам) шу уч мурод-мақсадга интилсин. Чунончи, одам илм олишни доно бўлгунича давом эттириши керак.

Дхарма — хайр-садақа, қурбонлик ва бошқа ишлар. Бу ишлар нариги дунё-охират учун кераклигидан ва (бу дунёда) фойда кўрилмаганлигидан (баъзи) одамлар бу ишларга унчалик амал қилмайдилар. Дхарманинг баъзи ишлари (гўшт ейишдан ва бошқа нарсалардан тийилиш, парҳез, рўза — М. М.) бу дунёда кераклиги ва фойдаси кўрингани учун буларга кўпроқ амал қиладилар. Бу ишларга шрути ва дхарма билимдонлари орқали эришилади.

Артха — билимлар, ер, олтин, мол-ҳол,ғалла, рўзғор буюмлари ва дўстлар орттириш ва ўзида бор нарсаларни кўпайтиришдир. Мазкур ишлар қонун-қоида, илмларни яхши билувчи нозирлар ва савдогарлар ёрдамида амалга ошиpалади.

Кама — эшитиш, сезиш, кўриш, таъм билиш, ҳид билиш аъзолари роҳатланадиган нарсалардир. Бу ишларни вужуддаги ҳиссиёт бошқаради. Мазкур ишлар "Кама Сутра ва шу соҳанинг билимдонлари ёрдамида амалга оширилади.

Мана шу мурод-мақсадларнинг ҳар бири аввалгисидан муҳимроқдир. Подшоҳ учун артха муҳимроқ, чунки шу орқали у одамларнинг ҳожатини чиқаради. Ҳетералар (эркин, фароғатли аёллар) учун ҳам шу ишлар зарур.

Уч мурод-мақсадга етишиш (сабаблари) шулардан иборат.

Баъзи устозлар айтишича, дхарма бу дунёга боғлиқ эмаслиги учун шу ҳақдаги илм билан боғлиқдир. (Артха ҳам шундай), чунки бу мақсадларга етишишнинг махсус йўллари борки, ўшал йўлларнинг илмини ўрганмоқ керак. (Баъзи устозлар) камага ҳатто ҳайвонлар ҳам ўз-ўзидан, табиий амал қилгани учун, ҳамиша шундайлиги туфайли илмга муҳтож эмас, деб ўйлашади. Ватсаяна фалсафаси эса, ишқий қовишув ҳисобланиб, эркак ва аёл (маҳорати) га боғлиқлиги туфайли бунинг йўлларини билиш зарур. Роҳат-фароғатга етишиш йўлларини эса "Кама Сутра" орқали билиш мумкин. Ҳайвонларда урғочилар эркиндир, (улар) муаяйн мавсумда қовушадилар, шунинг учун қовушиш йўлларини ўйламайдилар.

Бу дунё ишларига берилганлар дхарма ишларининг самараси келажакда кўринади, у ишонарли эмас, шунинг учун улар билан шуғулланиш шарт эмас, деб ўйлайдилар. (Уларнинг фикрича) фақат ёш болагина қўлидагини бошқаларга бериб юборади. Эртанги товусдан бугунги кабутар яхши (Узоқдаги қуйруқдан, яқиндаги ўпка яхши), шубҳали тилла тақинчоқдан кўра нақд танга яхши. Ватсаяна фалсафаси ўргатадики, илмлар шубҳасиз фойдали; гоҳида дуо, қарғишлар ҳам самара келтиради; юлдузлар, Ой, Қуёш ва (бошқа) сайёралар доираси оламга фойдали равишда оқилона ҳаракат қиладилар. Инсон эҳтиёжларини қондиришда варн ва ашрам қонунларига амал қиладилар; деҳқон қўлидаги донини келгуси ҳосил учун ерга ташлайди — шу сабабларга кўра, дхарма, (диний, савоб ишлар) билан шуғулланиш зарур. Тақдирга тан берувчилар артха ишлари билан шуғулланиши керакмас, деб ўргатадилар. Уларнинг фикрича, ўша бойликларга куч-ғайрат сарфлаб ҳам етишолмаслик мумкин. Ўша мол-мулкларга уринмасдан ҳам эришиш мумкин. Ҳамма нарса тақдирга боғлиқ. Худди шу тақдир одамларга фойда ва зарар, ғалаба ва мағлубият, бахт ва бахтсизлик келтириши мумкин. Тақдир қудрати билан Бали Индрага айланди, тақдир қудрати билан у қулаб тушди, тақдир қудрати билан у яна юксалади. Ватсаяна эса, барча фойдали ишлар учун дастмоя, жамғарма бўлиши зарур, чунки одамларнинг турмуши ана шу жамғарма, нақдиналарга боғлиқ. Ҳеч бир ҳаракат қилмайдиганлар барака топмайди.

Фойда орттиришни кўзловчилар кама ишлари билан шуғулланиш керакмас, деб ҳисоблайдилар. Улар фикрича, асосий мақсадлар — дхарма ва артха ишларига ва бошқа неъматларга эришишга карма халақит беради, карма билан шуғулланиш ярамас одамларга, ёмон қилиқларга, нопокликка ва меъёрсизликка, шунингдек, беғамликка, енгилтакликка йўлиқтиради, ишонч ва ҳурматни йўқотади. Севги яғмосига берилганлар (кўпчилиги) ўз яқинлари билан бирга ҳалокатга учрайдилар. Дандакья (Зиндақ) номини олган Бходжа ҳирси туфайли бараҳман қизининг номусига тегиб, қариндош-уруғлари ва подшоҳлиги билан йўқ бўлиб кетди. Маълумки, маъбудлар шоҳи Аҳалияга кўз олайтиради, чексиз куч-қудратли Кичока — Драупадини маҳв этди, Равана — Ситага кўз олайтирди. Севги асоратига ва ҳалокатига учраган жуда кўп қаҳрамонларни эслаш мумкин. Ватсаяна ўргатадики, кама (роҳат-фароғат) ишлари одамга овқатланиш каби зарур эҳтиёждир, улар ҳам таом каби, баданни асраб туради, улар ҳам дхарма ва артха самараларидир. Фақат оқибати ёмон ишлардан сақланиш зарур. Гадойлар бор деб, одамлар овқат пиширмай қўймайдилар-ку? Ғизолар (оҳулар) еб кетади деб, деҳқон дон сепишни бас қилмайди-ку? (Чумчуқдан қўрққан тариқ экмайди-ку?)

Китобнинг шу ерида байт келтирилади.

Артха, кама ва дхармага амал қилувчи инсон, у дунё, бу дунёда машаққатсиз ва чексиз бахтга эришади.

Маърифатли кишилар хулқ-одобда ёмон оқибатга олиб борувчи, артха (мол, дунё, дўстлар орттириш) га зарари тегувчи ишларни қилмайдилар, бахт-саодат келтирувчи ишлар билан шуғулланадилар.

**(Ҳинд ва рус тилларида чиқадиган "Диалог" ойномасидан олинди)**

• *Туйғу*

# РУҲ ТАНТАНАСИ

*Соғинаяпман...*

*Сени соғинаяпман: севгилим.*

*Эсингдами, дастлабки висол онларининг бирида сен биз иккимизга насиб этган илоҳий бахт-муҳаббат ҳақида сўрагандинг. Ўшанда мени асир этган бир юрак қошида туриб, инсон борлиғини бир умр мавҳ этадиган бу самовий туйғу гўзалликка эҳтиеждан туғилади деган фикрга келгандим. Негаки, биз инсонмиз. Нимагадир интилиб яшаймиз, кимнидир узоқ кутамиз. Билмаймизки ер қумурсқадай сочилиб кетган одамларни муҳаббат бир жойга жамлайди. Муҳаббат бир маёқ. У узоқдан яшил ва алвон, мовий ва гунафша рангларда товланиб, чорлайверади. Унинг моҳиятига етишга қанча интилсанг, у шунча мавҳум тус ола бошлайди. Ва семурғга интилган қушлар каби муҳаббат бизда, биз муҳаббатнинг бир парчасимиз демоқдан ўзга иложинг қолмайди.*

*Биринчи учрашувда сенинг кўзларингга боқиб туриб: "Бу одам қиефасидаги фариштамикин" деган хаелга боргандим. Кўзларинг жуда чиройли эди. Бугун эса сени соғинар эканман, яна сенга бўлган муҳаббатим ҳақида ўйлайман. Муҳаббат — энг тўғри йўл. У инсонни бир нуқтага бирлаштиради. У бир кўзгу, одамни одамга танитади. Муҳаббат вужуд ёки нафс истагига айланмаслиги керак. У руҳ эҳтиежидан туғилади. Муҳаббатда руҳ тантана қилади. Осмону фалакда чарх ураетган туйғулар ул боис. Муҳаббатга ошно кўнгуллар ҳаетга юқоридан қарашга ўрганиб қолишган.*

*...Сен жуда ҳам гўзалсан, гулим. Сени соғинаяпман-у ўз фикримга иқрор бўлгим келади. Кўз ўнгимда сенинг тимсолингда буюк муҳаббат гавдаланар экан, мен ўз муҳаббатимга талпинмай нима қилай?! Мана, ёнимдасан. Мен сендан ҳеч қачон узоқларга кетолмайман. Чунки мен сени бутун вужудим: қўлларим, кўзларим, лабларим... билан ёниб севаман. Лекин... Қизиқ, нега ёнингда туриб сени соғинаман?! Сени қучсамда, мунис кўзларингга тўйиб тикилсамда соғинавераман. Нега сен билан учрашиб, учрашолмайман? Нега биз ҳеч қачон кўришолмаймиз?*

*Муҳаббатда руҳ тантана қилади. Бу тантана орасида менинг саволларим, илтижоларим қолиб кетади. Эҳтимолки бу саволларга ҳеч қачон жавоб топилмас. Эҳтимолки бу ёруғ оламда сен билан қалбан, руҳан учрашиш шарафига муяссар бўлмасман! Қайдам. Мен барибир кутаман. Сени соғиниб яшайман, севгилим!*

**Юсуф РАСУЛ**

*• Ислом саркардалари*

***Ҳикоя қаҳрамони: Абдуллоҳ ибн Қайс ал-Жосий — Ислом араб ҳарбий денгиз кучларининг биринчи лашкарбошиси.***

***Қилган ишлари — душман кучлари ҳақида ахборот тўплаган.***

***Муовия ибн Абу Суфён денгиз ҳарбий фавжи — флотини ташкил этганида флот қўмондони қилиб Абдуллоҳ ибн Қайсни тайинлади. Зеро, Абдуллоҳ ўз даврининг машҳур кишиларидан эди. Муовия ҳарбий флот учун энг ишончли кишиларни йиғиб, уларга шундай деб мурожаат қилди: "Мен сизларга ишонаман, сизларнинг Аллоҳ фармонига қандай итоатда бўлишингизни ҳам биламан".***

# Абдуллоҳ ибн Қайс ал-Жосий

Улар ичидан фақат Абдуллоҳ ибн Қайс денгиз флотининг тузилишига қарши чиқиб, денгизлардаги ғазовотни тўхтатишга ҳаракат қилиб юрарди. Аммо у Шомга келганда фикри тубдан ўзгарди, унда денгиз кучларига ишонч уйғонди. Чунки у мусулмонларнинг денгизда жанг қилишга иштиёқ билан, зўр бериб тайёрланишаётганлигини кўрди. Денгиз бу одамларнинг хаёлини олиб, жиҳодга иштиёқманд қилиб қўйганди. Абдуллоҳ эса фақат бир нарсадан — мусулмонларнинг бирор кор-ҳол бўлиб қолишидан чўчир эди.

У ҳар вақт ўз одамлари ёнида бўлар, қўшни ерлардаги аҳволдан воқиф бўлиб турарди. Абдуллоҳ бутун умри давомида 50 марта денгиз жангига чиқди. Лекин унинг бирорта ҳам одами сувда чўкмади, мусулмонлар денгиз тўфонларидан ҳам зарар топмадилар. Абдуллоҳ доимо ҳақ субҳонаҳу таолодан қўшинига куч-қувват сўраб турди.

Денгиз лашкарлари ва кемасозларининг саъй-ҳаракатлари билан Ислом ҳарбий денгиз кучлари шамол каби тез eладиган бўлди. Бундан илҳомланган Муовия Румга қараб интилди. У Румга ҳам сув орқали, ҳам қуруқлик орқали зарба бермоқчи бўлди. Ҳамма кучлар Рум томон тайинланди. Рум пойтахти Қунстантиния — Константинопол (ҳозирги Стамбул шаҳри) қамал қилинди. Қамал вақтида иштирок этган араб кемалари 1700 тага етди.

Ислом флоти Ижла денгизининг шарқий томонини эгаллаб олди. Қамал қилинган Қунстантиния аҳли таслим бўлавермагач, Абдуллоҳ ибн ал-Қайс флотни уч қисмга бўлди. Биринчиси қамални давом эттириши, иккинчиси денгиз оролларидан куч тўплаб келиши, учинчиси мадад кучларини олиб келиши зарур эди.

Бу вақтда Абдуллоҳ ибн Қайс ўз одамларига Родус (Родос) шаҳрини эгаллашга буюрди.

Улар шаҳарни эгаллаб, энди ҳимояга ўтадилар. Румликлар Родусни қайтариб олиш учун куч юборганларида мусулмонлар уларни денгизнинг ўзидаёқ чўктириб юбордилар. Қамал чўзилиб кетди. У ҳижратнинг 57 йилида ҳам давом этди. Рум бошқа давлатлардан қуруқлик орқали доим ёрдам олиб турди. Булғория унга бу қийинчиликда кўмакдош бўлди.

Бир вақт румликлар арабларга қарши юнон оловини ишлатдилар. Бу оловнинг кучи заиф бўлса ҳам лекин кемаларга қарши фойдаланса бўлар эди.

Кучли бўрон ва ёмғирга қарамай, юнон олови таъсирида мадад кучлари ҳам кўп талофот кўрдилар. Бунинг натижасида Қунстантинияни қамал қилувчи кучлар нисбати ўзгарди. Ислом араб кемаларининг кўпи ёниб ғарқ бўлди. Оқибат шунга олиб келдики, кемаларнинг жанг қобилияти пасайиб, бирор натижа кўрсатишга ярамай қолди. Ва Муовия денгиз ва қуруқликдаги кучларга орқага қайтишликни буюрди.

Денгизда бўлган ғазовотнинг биринчи шоҳиди Ибода ибн ас-Сомитнинг хотини Умм Харсам ибна Миннон ал-ансория (ёрдам берувчи) деб ҳисобланарди. У Қубрус оролида бўйнидан яраланиб, ҳижратнинг 28 йили жон берганди.

Абу Айюб ал-Ансорий денгизда шаҳийд бўлганлар ичида энг машҳур шахс эди. Рум ерига қилинган ғазовотда у ҳам шаҳид кетди. Абу Айюб Қунстантиния деворлари яқинигача жанг қилиб бориб, ўша атрофда яраланиб, жон берди. Васиятига кўра уни Қунстантиния деворлари ёнига дафн қилдилар.

Харсам ва Абу Айюбдан бошқа мусулмонлар ичида кўплари денгиз жангларида шаҳид бўлдилар. Лекин уларнинг ичларидан бирортаси ҳам сувда чўкмай, жангларда ҳалок бўлишди. Зеро Абдуллоҳ ибн Қайс Ислом ғазовотини оқил саркарда сифатида олиб борган эди.

Абдуллоҳ ибн Қайс 7 йил ўтгач яна денгизга ғазовотга отланди. Бу сафар мусулмонлар Крит оролига йўл олдилар. Оролга етганларида Абдуллоҳнинг ўзи ёнига фақат битта денгизчини олиб Орол аҳли томон кетди.

У Орол ичкарисига кириб бориб, соҳил аҳлидан сўраб-суриштириб, кераkли маълумотларни олди.

Абдуллоҳни кўрган румлик бир аёл ўз қишлоғи томон кетди. У ўз аҳлига мусулмонлар саркардаси Абдуллоҳнинг Марқа деган ерда якка ўзи юрибди, деб хабар берди. Улар бу аёлдан: Эй Оллоҳнинг душмани, сен қаердан танийсан Абдуллоҳ ибн Қайсни? деб сўраганларида, аёл: У сизларга таниш эмасми, ичларингизда бирорта киши йўқмики уни танийдиган? деди. Шундан сўнг қишлоқ аҳли аёл кўрсатган ерга шошиб кетди. Абдуллоҳ бир ўзи кўпчилик билан жанг қилди. Ҳамроҳига зарур маълумотни айтиб, жўнатди. Ўша ерда Абдуллоҳ ибн Қайсга шаҳид бўлишлик насиб қилди. Унинг денгизчи ҳамроҳи қутулиб қолишга эришиб, тезда мусулмонларга хабар қилди.

Мусулмонлар шошиб ўша ерга етиб келдилар. Уларга Суфён ибн Авф бошчилик қилди. Орол аҳли ва мусулмонлар ўртасида жанг бошланиб кетди.

Душманлар азоб-уқубат ила жон беришар эди. Суфён одамлари наъра тортиб, мусулмонларни жангга чақирмоқда эдилар. Шунда саркарда Суфёнга Абдуллоҳнинг чўриси юзланиб, менинг хожам ўз одамларига "Фақат Аллоҳга итоат этинглар" дер эди, деди. (Яъни мусулмонларни жангга чақиришда Қуръондаги Аллоҳ сўзлари кифоя эканлиги таъкидланмоқда. — М. М.)

Араб мусулмонлари биринчи ислом ҳарбий денгиз саркардасини ҳанузгача эсда сақлайдилар. У айтган гапларни шиор тариқасида сақлаб қолганлар.

Мусулмонлар яна ундан дидбончиликка (разведка ишларида) нималар кераклигини мерос қилиб олганлар.

Мана ислом кишиси. Мана унинг ҳаёти.

**Басом Аслийнинг "Ислом байроғини кўтарганлар ва уларнинг оъмоли" китобидан Равшан ШАРИФ, Маҳкам МАҲМУД таржимаси**

*• Боланинг тили ширин*

## ВАТАН — СЕНИКИ

Андижонлик бир яқин дўстимнинг Музаффарбек деган 4 яшар зийрак ўғилчаси бор. У отасининг янги олган машинасида сайр қилар экан, шаҳар кўчаларидаги чиройли бинолар, дарахтларни томоша қилиб борарди. Ва аҳъён-аҳъёнда қийқириб:

— Ана — менинг кўчам! Ана — менинг майдоним! Ана — менинг арчаларим! Ана — менинг гулларим! — дея хитоб қиларди.

Боланинг завқи менга ҳам таъсир қилдими, "Ҳа, болажон, улғайсанг бутун Ўзбекистон, Ватан — сеники бўлади!" дедим.

Бола эса бунга кўнмасдан:

— Йўқ, ҳозир ҳам меники бўлсин! — деди.

## УЛҒАЙГАНДА

Ота-бола мени тайёрагоҳгача кузатиб боришди. Тайёрага чиқиш олдидан назоратчилар ҳар бир йўловчини махсус электрон эшикдан ўтказарди. Йўловчилар чўнтакларидаги темир буюмларни чиқариб, стол устига қўйишарди. Мен ҳам шундай қилдим. Бир темир буюмни дўстимнинг ўғилчасига бериб:

— Менда қолса, яна назорат эшиги жиринглаб қолмасин, сиз ўйнай қолинг! — дедим.

Дўстимнинг ўғилчаси:

— Майли, мен буни уйимга борганда эшикдан ўтказиб жиринглатаман, — деди.

Отаси бу гапни эшитиб, табассум қилди.

Мен эсам унга изоҳ бердим:

— Кулманг, бола рост айтяпти. У ўсиб, улғайса катталарнинг яширган нарсаларини "жиринглатиб", назорат қилади.

**М. МАҲМУДОВ**

# ТАФАККУР ГУЛШАНИ

*БАХТ-САОДАТ ҲАҚИДА*

• Аччигланиш ҳам бахтни йўқ қилиши мумкин.

• Кўнгли тор, нияти ёмон одамлар бир умрга худонинг ғазабида бўлади.

• Сизнинг тўғрингизда бошқалар яхши фикрда бўлиши ҳам катта бахт.

• Ҳаётдан асло нолиманг, чунки унинг ўзи турли-туман қарама-қаршиликлардан иборат.

• Яхшилик ва ёмонлик баайни уруғ, қайси биридан кўп эксангиз, ўшандан кўпроқ ўрасиз.

*АХЛОҚ ҲАҚИДА*

• Бировнинг руҳан эзилишига сабабчи бўлган инсон энг ёмон одамларнинг ёмонидир.

• Ёмон одамга ҳамма нарса ёмон бўлиб кўринади.

• Билимингиз бўлмаса ҳам ақлингиз бўлсин.

• Фарзандингиз бирор ноўрин иш қилиб қўйса, койиманг, хатосини тушунтиринг, токи ўйлаб иш қиладиган бўлсин.

• Фарзандингиз ёмон бўлса, олдин ўзингиздан, кейин ундан ўпкаланг.

• Шундай меҳнат қилингки, ҳамма ўрнак олсин.

• Шундай яшангки, ҳамма ҳавас қилсин.

• Қўшниларингни туғишган ака-укаларингдан кам билма. Чунки яхши кунингда ҳам, оғир кунингда ҳам шулар сенга кўмаклашади.

• Ҳар қайси қўшнинг бир қанотингдир.

*ДЎСТ ҲАҚИДА*

• Дўстликнинг кушандаси шубҳа, узилмас занжири эса ишончдир.

• Икки дили бузуқ ўн йил ҳамтовоқ бўлганларида ҳам чинакам дўст бўлолмайдилар.

• Чин дўст кўзгуга ўхшайди. Кўзгу чеҳрангдаги доғларни қандай аниқ кўрсатса,ҳақиқий дўст ҳам хато ва камчиликларингни шунчалик очиқ-ойдин айтиб туради.

• Мансабингдан манфаатдор, дастурхонингдан тама қилган дўстдан қоч.

• Аҳмоқ ва мунофиқ кишилардан дўст излама, биринчиси сени одамлар олдида хижолатга қўяди, иккинчиси эса хоҳлаган вақтида сени сотиб кетади.

• Нопоклар содиқ дўстинг тагига сув қуяётган эканлар, билгинки, улар бу сув сенинг тагинга боришини ҳам кўзда тутганлар.

• Узоқ умр кўриш ҳар кимнинг энг яхши орзусидир. Лекин қариган сайин оқил ва ширин сўз бўлиб улғая билиш ҳам катта санъатдир.

*СЕВГИ ВА ОИЛА ҲАҚИДА*

• Бир умр бирга бўладиган турмуш ўртоғингизни ҳеч қачон хафа қилманг.

• Гул барглари билан қанчалик яхши кўринса, аёл киши назокати ва майинлиги билан шунчалик латофатли кўринади.

• Дунёда энг яхши нарсалардан бири — севги лаззати.

• Рашк овқатга солинадиган тузга ўхшайди, кўп солинса ичиб бўлмайди.

• Сиз бирор қиз ёки аёлни севиб қолсангизу у сизни севмаса хафа бўлманг, аммо севиб, вафосизлик қилса, ундан нафратланинг.

• Сизда мол-дунё бўлгани билан инсоний севги бўлмаса, хотинингизни ҳеч қачон бахтли қила олмайсиз.

• Турмуш ўртоғингиз қанчалик меҳрибон бўлса, умрингизга шунчалик умр қўшилади.

• Ҳис-туйғуга нисбатан ақл билан иш қилиш — севгига янглишмаслик.

*ЗИЙРАКЛИК, ФАРОСАТ ҲАҚИДА*

• Нафис куй, жозибали мусиқадан лаззатланмайдиган кишининг қалби қуёш нурини бир умр кўрмаган музхонани эслатади.

• Гулу райҳон булбул учун шавқ-завқ ва илҳом беради. Туя учун эса буларнинг сира фарқи йўқ.

• Доно ва зийрак киши бирон хонадонда меҳмон бўлса, мезбоннинг сиру амолини дарҳол англайди ва ўз хатти-ҳаракатини шунга қараб белгилайди.

*ИЛМ-ФАН ҲАҚИДА*

• Ўз илмини халқидан қизғанган киши уни ўлганларга совға қиладими?

• Шундай пасткаш кишилар ҳам бўладики, улар ўз манфаатлари йўлида аҳмоқни ақлли, нодонни доно, ҳатто хунук, совуқ, ичи қора, майда гап игвогарларни гўзал деб, жони борича мақташдан уялмайдилар.

• Ёлғончилик билан фирибгарлик бирин-кетин туғиладиган эгизаклардир.

• Фирибгарлик йўли билан топилган шуҳрат, қийшиқ ортилган юк каби узоқ манзилга етиб боролмайди.

• Озгина илмни менсимаган киши кўп билимдан қуруқ қолади.

• Дуру-гавҳар қадрини машаққат чекиб денгиздан терган ғаввос билади, илм-фан қадрини игна билан қудуқ қазиган фан жонкуяри билади.

**Анвар ИНОҚОВ тўплаган**

## ТЕША ТЕГМАГАН ГАПЛАР

Нега энди кўп нарса билиш учун кўп нарсани унутиш керак?

***

Нега биз билан иши бўлмаганларга кўпроқ ишимиз тушади?

***

Мусиқа барибир босиб кетадиган сўзларни қўшиқ матнидан чиқариб юбориш керакми?

***

Бебаҳо совғанинг баҳоси қанча бўлиши мумкин?

***

Мазали, фойдали таом ҳақидаги китобни мазали, фойдали таомга алмашаман.

***

Хотининг қанақалигини айтиб берсанг, ўзингнинг кимлигингни айтиб бераман.

***

Ёши номаълум аёллар юбилейини қандоқ ўтказиш мумкин?

***

"Ўрта ёшли эркак ўзига умр йўлдоши қидиради. Биринчи ва охирги қаватлар таклиф қилинмасин".

***

Агар қутида маҳсулот тайёрланган муддат ва сақлаш муҳлати кўрсатилмаган бўлса, бундай маҳсулот ҳеч қачон айнимайди.

# Афандининг Хуржуни



## ЛАТИФАЛАР

— Томорқамда ер чопаётсам бир нима жиринглаб кетди. Мундоқ қарасам бир сўмлик темир танга экан. Секин чўтагимга солиб, яна ишлайвердим. Кейин яна темир танга чиқди. Униям чўнтакка уриб, ерни чопавердим. Орадан бир дақиқа ўтмай яна... Хуллас, кетма-кет ўн марта...

— Наҳотки хазина топиб олган бўлсанг...

— Э йўқ, шунчаки чўнтагим тешик экан...

***

— Тавба, ахир бунақа кечикаверадиган бўлса, поездлар жадвалининг нима кераги бор?

— Наҳотки шуниям билмасанг? Агар поездлар жадвалга мувофиқ юрса, унда кутиш хоналарининг нима кераги бор?

***

— Эркакларга бир гап айтсанг, у қулоғидан кириб, бунисидан чиқиб кетади.

— Аёлларга бир гап айтсанг, икки қулоғидан кириб, оғзидан чиқиб кетади.

***

— Меҳмондорчиликка кимларни таклиф қилсам экан?

— Аввало парҳездагиларни таклиф этгин.

***

Эр туғруқхонага телефон қилиб, хотинидан сўрайди:

— Чақалоғимиз менга ўхшайдими?

— Йўқ.

— Ўзинггами?

— Йўқ.

— Ахир унда кимга ўхшайди?

— Сен барибир уни танимайсан.

***

Бошлиқ ходимларига латифа айтарди. Ҳамма кулар, фақат бир ходимгина жим ўтирар эди.

— Нега сен кулмаяпсан? — деб сўради ундан бошлиқ.

— Кулиб нима зарил менга? Барибир келаси ҳафтадан бўшаяпман.

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

Бош муҳаррир
Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шуҳрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Мирпўлат МИРЗО
Ислом УСМОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Тоҳир РАҲИМОВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ
Бобохон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўривой АҲМЕДОВ
Билол АМИНОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ
Жамол КАМОЛ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД
Сафар ОСТОНОВ
Нурали ҚОБУЛ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.

ТЕЛЕФОНИМИЗ: 32-36-42
32-35-29, 44-29-09.
ИНДЕКС: 64600
ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш №000011.
Буюртма №Г-563.
15000 нусхада чоп этилди

Офсет усулида босилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ МАҲКАМАСИНИНГ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ ҲУЗУРИДАГИ "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ.*

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6

Сартарошхонада уста мижозига деди:

— Афсуски, сочларингиз тўкилиб бораяпти. Яқинда бошингиз ялтироқ бўлиб қолади. Сиз ҳеч бўлмаса сочингизнинг қолган қисмини сақлаб қолиш учун бирон чора кўраяпсизми?

— Албатта. Мен хотиним билан ажралиш ҳақида ариза бериб қўйдим.

***

Эр хотинига деди:

— Сен садақа берган гадой муғомбир эмас, ростдан ҳам сўқир,

## ХАНДАЛАР

ҳеч нарсани кўрмас экан.

— Нега бундай деб ўйлайсан?

— Чунки у сенга: "Раҳмат, гўзал!" деди.

***

— Хоним, нега Сиз ёшингизни олти ёшга кичрайтирдингиз?

— Чунки олдинги олти йилда санашни билмас эдим.

***

— Бу дўхтир жуда зўр экан. Хотинимнинг бир дақиқада тузатиб юборди.

— Қандай қилиб?

— У хотинимга ҳамма касаллиги яқинлашиб келаётган қарилик аломати эканини айтди.

***

— Мен сизнинг олдингизда айбдорман. Товуғим томорқангизга кириб, экинларингизни пайҳон қилибди.

— Ҳеч қиси йўқ, ташвишланманг, итим товуғингизни еб қўйди.

— Ажойиб иш бўпти! Мен ҳозиргина машинамда итингизни босиб ўлдирдим.



Сиз қандай изоҳлайсиз?

*Ойномобоғ*

## ТУШ

Туш кўрибман ажойиб,
Ажойиб-у ғаройиб.
Сичқон мушук овлармиш,
Кўрса дарҳол қувлармиш.
Сигирда икки оёқ,
Хўрозда тўртта туёқ.
Қўй дон териб еярмиш,
Қўзи-чи гапирармиш.
Эшак пайпоқ тўқирмиш,
Туя китоб ўқирмиш.
Ҳатто миёвлар кучук,
Улоқча эмиш пучуқ.
Эчки лабин бўярмиш,
Ҳўкиз сурма қўярмиш,
Чўчқа чалибди карнай,
Бузоқ чалибди сурнай.
Жўжа хуррак отармиш,
Отлар ухлаб қотармиш.
Каптар отар шаталоқ,
Учиб юрар бўталоқ.
Кийиб қизил этикча,
Уйлар қурар хўтикча.
Тойча маъраб бақирар,
Онасини чақирар.
Ҳўкиз сурмасин қўйиб,
Оғил деворин ўйиб.
Мен томон чопиб келар,
Бекинсам топиб келар.
Сигир икки оёқлаб,
Юрди жуда сузилиб.
Бирдан чопиб кетди у,
Соч турмаги бузилиб.
Нега чопаркан дея,
Қарадим орқасидан.
Лекин бошим кўтармай,
Мушт едим биттасидан.
Тепамдаги бўталоқ,
Турар менга бақрайиб.
Осмонга қараганча
Қолибман мен анқайиб.
Бир маҳал жуда қаттиқ,
Оғриб қолди жағ тишим.
Кўзим очиб қарасам,
Ҳаммаси экан тушим!

Норбодом БУРҲОНОВА,
Жиззах тумани Бобур номидаги жамоа ширкати, Ҳ. Хўжақулов номли 30-мактаб ўқувчиси

## МАШҲУР КИШИЛАР ҲАЁТИДАН

Екатерина II Петербургга машҳур итальян қўшиқчиси Габриелини чорлабди. Қўшиқчи икки ойлик хизмати учун беш минг сўлковой пул талаб қилибди.

— Мен бунақа маошни биронта фельдмаршалимга ҳам бермайман-ку, — дебди подшо.

— Ундай бўлса Сизга ўша фельдмаршалларингиз қўшиқ айтиб бераверсин.

***

Сталин Радекни чақириб, дебди:

— Менга қара, Радек, сен латифа тўқишга устасан. Айтишларича, мен ҳақимда ҳам тўқирмишсан. Мана шу қилиғинг ярамайди. Ахир унутма, мен доҳийман!

— Сен доҳиймисан? Мен бу латифани ҳали ҳеч кимга айтганим йўқ.

***

Тиш дўхтири машҳур артист Жан Габеннинг тишини суғуриб олибди. Орадан бир неча кун ўтгач, артист дўхтирдан шундай хат олибди: "Олинган тишингизни бир мухлисингизга сотдим, у тумор қилиб тақиб юрибди. Хизмат ҳақини ўша пулдан ушлаб қолдим, қайтимини юбораяпман".